

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 33/38+62

**НУРМАТОВА МАФТУНА ИЛҲАМОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ИННОВАЦИОН**  
**РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСЛАРИ ВА УНИ ЯНАДА**  
**ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

5А 230102 – Иқтисодиёт (реал сектор) мутахассислиги

**магистр академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. З.Тожибоев

Фарғона-2017

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>1 БОБ. Иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари</b>	
1.1. Инновациянинг назарий асосларини шаклланиши ҳамда ривожланиш босқичлари.....	10
1.2. Инновациялар иқтисодий ўсишнинг бош омили сифатида.....	18
1.3. Ўзбекистонда инновацияларни давлат томонидан тартибга солинишининг хусусиятлари.....	24
<b>2 БОБ. Иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ва уни мамлакатимиздаги ҳолати таҳлили</b>	
2.1. Ривожланган мамлакатлар иқтисодий инновацион ривожлантириш тажрибаси.....	32
2.2. Иқтисодийнинг етакчи тармоғи корхоналари инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили.....	43
<b>3 БОБ. Иқтисодий инновацион потенциални самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари</b>	
3.1. Ўзбекистонда давлатнинг илмий-техник ва инновацион сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари.....	52
3.2. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни ривожлантириш истиқболлари.....	59
<b>ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР</b> .....	80
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	87

## КИРИШ

### **Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.**

Инновациялар иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификациялаш, унинг жадал суръатлар билан ривожланишини ва рақобатбардошлигини таъминлаш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузини янада оширишнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу сабабли бугунги кунда ҳар бир давлат ўз иқтисодиёти барқарорлигини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда инновация имкониятларидан кенг фойдаланишга катта эътибор қаратмоқда. Шу мақсадда республикамызда иқтисодиётимизнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва техник янгилаш, мамлакатимизнинг янги марраларни эгаллаши учун кучли туртки берадиган ва жаҳон бозорида рақобатдошлигини таъминлайдиган замонавий инновация технологияларини жорий қилиш бўйича мақсадли лойиҳаларни амалга оширишга устуворлик берилган. Инновацияларни амалга ошириш инвестициялар билан бевосита боғлиқдир. Шу сабабли мамлакатимизда инновация сиёсатини олиб боришда инвестицияларнинг самарали иштирокини таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқдаки, бунинг натижасида миллий иқтисодиётга жалб этилаётган инвестициялар ҳажми, улар ёрдамида ишлаб чиқаришга жорий этилаётган замонавий ва илғор технологияларга асосланган лойиҳаларнинг сонининг йил сайин ортиб боришини, шунингдек, ялпи ички маҳсулотнинг юқори суъратлар билан ўсишини таъминламоқда, бунда хорижий инвестицияларнинг ҳам фаол иштироки мавжудлиги давлатимиз томонидан фаол инвестиция сиёсати олиб борилаётганлигини ҳам тасдиқлайди.

Ўзбекистоннинг инновация соҳасидаги тажрибалари ва инновация фаолиятини молиялаштириш ҳамда инновация маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сотиш бўйича жаҳоннинг ривожланган давлатлари билан рақобатлаша оладиган даражага эришмаганлиги мазкур йўналишда катта ютуқларга эришган хориж давлатлари тажрибаларини ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. Республикамызда инновация фаолиятини молиялаштиришда

хориж тажрибаларини ўрганиш табиий ҳол. Бироқ, мазкур йўналишда олиб борилган тадқиқотларнинг кенг илмий-оммавий нашрлар, илмий асарларда чоп этилишини нисбатан камроқ учратамиз. Шу сабабдан инновация фаолиятини молиялаштириш ва уни амалга оширишнинг хориж тажрибаларини илмий-назарий ҳамда услубий жиҳатдан чуқур тадқиқ этиш муҳим вазифа ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотлар асосида инновация фаолиятини молиялаштиришнинг хориж тажрибаларини ўрганиш ва ёритиш, хориж давлатларининг мазкур соҳада тўплаган тажрибаларидан мамлакатимизда инновация фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришда кенг фойдаланиш юзасидан таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги мазкур диссертация иши мавзусининг долзарблигини асослайди.

**Тадқиқот объекти ва предмети.** Тадқиқотнинг предмети бўлиб, инновация фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жараёнлар ҳисобланади. Тадқиқот объекти бўлиб мамлакатимиз ва хорижий давлатлар инновация фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Тадқиқот мақсади хориж давлатлари тажрибалари асосида миллий амалиётимизда инновация фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун диссертацияда қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- инновацияларнинг иқтисодий мазмун-моҳиятини тадқиқ этиш ва унинг иқтисодиётни модернизациялашдаги аҳамиятини очиб бериш;
- инновация фаолиятининг мазмуни очиб бериш, уни ташкил этиш ва молиялаштиришнинг зарурлиги ва ўзига хос жиҳатларини асослаш;
- жаҳон иқтисодиётида инновацион ривожланиш жараёнлари ва натижаларини ёритиш;

- иқтисодиёти ривожланган давлатларда инновация фаолияти амалиётини таҳлил қилиш;
- Ўзбекистонда инновация фаолиятини молиялаштириш ва уни ривожлантириш бўйича хориж давлатлари билан ҳамкорлик амалиётини таҳлил қилиш;
- жаҳонда инновация фаолиятининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган устувор йўналишларини аниқлаш;
- Ўзбекистонда инновация фаолиятини молиялаштиришда илғор хориж тажрибаларидан фойдаланишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.** Диссертация ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши Ўзбекистонда инновация фаолиятини такомиллаштиришда илғор хориж тажрибаларидан янада кенг ва самарали фойдаланишга ва натижада, мамлакатимизда инновация фаолиятини ривожлантириш ва унинг жаҳон ривожланиш даражасига эришишига олиб келиши мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Диссертация ишининг асосий илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат: – инновацияларнинг иқтисодий мазмунмоҳияти тадқиқ этилди ва унинг иқтисодиётни модернизациялашдаги аҳамияти очиб берилди; – инновация фаолиятининг мазмуни очиб берилди, уни ташкил этиш ва молиялаштиришнинг зарурлиги ва ўзига хос жиҳатлари асосланди; – жаҳон иқтисодиётида инновацион ривожланиш жараёнлари ва натижалари ёритилди; – иқтисодиёти ривожланган давлатларда инновация фаолият амалиёти таҳлил қилинди; – Ўзбекистонда инновация фаолиятини молиялаштириш ва уни ривожлантириш бўйича хориж давлатлари билан ҳамкорлик амалиёти таҳлил қилинди; – жаҳонда инновация фаолиятининг жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган устувор йўналишлари аниқланди; – Ўзбекистонда инновация фаолиятини ташкиллашда илғор хориж

тажрибаларидан фойдаланишни такомиллаштиришга қаратилган таклифавсиялар ишлаб чиқилди.

**Тадқиқотнинг асосий масалалари ва илмий гипотезаси.** Ташқи ва ички тизимли ўзгаришлар зарурлигини тақозо қилувчи асосий омиллар қонунчилиқни, иқтисодий шароитларни ўзгартириш, нобарқарор молиявий ҳолат, жиҳоз ва асбоб ускуналарни эскирганлиги, сотиш бозорларини етишмаслигидир. Шунинг билан бирга, ушбу омилларни мавжудлиги бир вақтнинг ўзида инновацион ривожланишга мотивациядир.

Ички ва ташқи тизимли ўзгартиришларда узок муддатли мақсад сифатида инновацияни жорий қилишни кўриш керак, улар ривожланган мамлакатларни иқтисодий ўсишини муҳим омилдир. Иқтисодий ўсишни сусайиб қолишига йўл қўймаслик учун ўз вақтида янги технологиялар яратиш ва улар билан эскиларини алмаштириш зарур. Шундан келиб чиқиб, тизимли ўзгартиришлар шароитида корхоналар инновацион фаолиятини жонлантиришни тасаввур қилиш мумкин.

**Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили).** Инновацион ривожланиш назарияси асосчилари Н.Д. Кондратьев, Й.А. Шумпетер, М.И. Туган – Барановский, П.А. Сорокина, Л.В. Конторович ишларида инновацион фаолиятнинг фундаментал қоидалари акс эттирилган. Инновацион ривожланишни кўп сонли концептуал йўналишлари иқтисодий назария, инновацион менежмент ва инновацияларни бошқариш доирасида И. Ансофф, А.И. Анчишкин, В.М. Анипин, В.Л. Иноземцев, А.И. Пригожий сингари олимлар томонидан ишлаб чиқилган.

Илмий – техника тараққиётини иқтисодий ривожланиш, тизим ва инновацион циклларга таъсирини Дж. Кейнс, Дж. Кларк, А. Кляхнейт, В. Леонтьев, Э. Менсфильд, Г. Менш, К. Опенлендр, Э. Роджерс, С.Ю. Глазьев ва бошқалар илмий тадқиқотларида кўриб чиқилган.

Жаҳон ва миллий иқтисодиётни инновацион ривожлантириш масалалари глобаллаштириш, инновацион соҳани тартибга солиш шароитида

ва уни давлат ва иқтисодиёт билан ўзаро харакатига россиялик олимлар И. Абалкин, А.Г. Аганбегян, П.Н. Завлин, Л.М. Гохберг, Р.С. Гринберг, М.Д. Делягин, В.В. Ивантер, Н.И. Иванова, А.К. Казанцев, Б.Н. Кузика, В.Л. Макарова, В.М. Шепелев, Ю.В. Яковец ва бошқалар ишлари бағишланган. Иқтисодиётни мамлакатимизда инновацион ривожлантириш муаммоларига С.С. Ғуломов, М.Ш. Шарифходжаев, Б. Беркинов, А.В. Вахобов, Б. Ғойибназаров, Н. Хайдаров, Б.Ю. Ходиев, Т.Ш. Шодиев ва бошқалар ишлари бағишланган.

Айтиш керакки, умуман олганда фаолият субъектларини инновацион потенциалини тадқиқ қилишга назарий ва методологик ёндашувлар таҳлиллари гувоҳлик беришича, инновация тушунчасини мазмун – моҳиятини талқин қилишда турлича ёндашувлар ва улар билан боғлиқ бўлган фарқлар мавжуд. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш муаммоларига кўп сонли илмий изланишлар ва ишланмалар бағишланганига қарамасдан бу соҳа минтақалар кесимидаги иқтисодий жараёнларни қамраб олган изланишларни амалга ошириш учун эҳтиёж мавжуд.

**Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи.** Тадқиқот жараёнида статистик, аналитик, синтетик, қиёсий, индуктив, дедуктив, мантиқий ва бошқа таҳлил усулларидадан фойдаланилди. Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган илмий-назарий ва амалий ғоялар, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистонда инновация фаолиятини молиялаштиришда хориж тажрибаларидан кенг ва самарали фойдаланишни янада такомиллаштириш ва унга оид келгусидаги махсус илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади. Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда инновация фаолиятини молиялаштиришнинг илғор хориж тажрибаларидан фойдаланиш ва уни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан мамлакатимизда инновация фаолиятини молиялаштириш ва

ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқишда ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан олий ўқув юртларида “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” ва “Инвестиция лойиҳаларини бошқариш” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижалари мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш масаласида баъзи – бир назарий жиҳатларни тўлдиради, иқтисодиёт ва уни тармоқларида дастурлар ишлаб чиқишда, шу соҳа бўйича иқтисодий йўналишдаги талабаларга инновацион иқтисодиёт курси бўйича машғулотлар олиб боришда, инновацион ривожлантириш бўйича маҳаллий ҳокимият органлари томонидан шакллантирилаётган ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишда фойдаланиши мумкин бўлган ҳолатга келтирилган.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Диссертация иши таркибий жиҳатдан кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, жами 94 бет, 2 та расм, 5 та жадвал ва 4та диаграммадан иборат. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, назарий ва амалий аҳамияти, илмий янгилиги очиб берилган. Ишнинг биринчи боби “Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари” деб номланган биринчи бобида инновацияларни мазмун – моҳияти, уларнинг иқтисодиётни ривожлантиришда асосий омил эканлиги ҳамда ушбу масалаларни давлат томонидан тартибга солиниши хусусиятлари баён қилинади. Ишни “Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг хориж тажрибаси ва уни мамлакатимиздаги ҳолати таҳлили” деб номланган иккинчи бобида жаҳондаги ривожланган давлатлардаги инновация фаолиятининг ўзига хос тарафлари, мустақиллик даврида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мамлакат иқтисодиётини ижтимоий – иқтисодий ривожланиши ва уни кейинги

босқичларида ривожлантиришда инновацион омилларни устувор характерга эга эканлиги ҳамда юртимизда иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати таҳлили ва унда мавжуд бўлган муаммолар ёритилади.

“Иқтисодиётни инновацион потенциални самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари” деб номланган учинчи бобида инновацияларни корхона ва ташкилотлар характерига таъсири ва у билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар, амал қилишига таъсири, иқтисодиётни инновацион ривожлантириш учун қулай муҳитни шакллантириш йўналишлари ҳамда минтақа иқтисодиётини инновацион шакллантириш доирасида инновацияларни венчур молиялаштириш тизимини ривожлантириш каби масалалар ёритилади. Ишнинг хулоса қисмида тадқиқ этилган мавзу юзасидан умумий хулосалар шакллантирилган ҳамда Ўзбекистонда илғор хориж тажрибаларидан фойдаланган ҳолда инновация фаолиятини молиялаштиришни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтирилган.

# 1 БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Инновациянинг назарий асосларини шаклланиши ҳамда

### ривожланиш босқичлари

Барча мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон учун ҳам замонанинг энг долзарб иқтисодий таълимотларидан бири ҳисобланган инновацияларнинг иқтисодий назарияси ҳозирда ўзининг шаклланиш босқичида. Шу боис замонавий инновация назарияларининг асосий мазмунини бир тизимга келтириш муаммолари долзарб бўлиб қолмоқда. Юртимизда ҳам иқтисодиётда туб ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистонда амалга оширган инвестиция сиёсатининг ўзига хос хусусияти маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга қаратилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилаётганида намоён бўлмоқда”<sup>1</sup> – деб таъкидлаган сўзларидан ҳам мамлакатимизда инновацион иқтисодий-сиёсатга нечоғлик аҳамият берилаётганини билиш мумкин. Иқтисодиёт илмининг турли йўналишлари ўзларининг йўналишлари доирасида инновация назариясига турли ёндашувлар мавжуд. Шу сабабли ушбу инновация назариясининг шаклланиши ва ривожланиш босқичларини ҳамда инновация назарияси эволюциясининг асосий қонуниятларини кўриб чиқамиз. Иқтисодиёт илмининг турли йўналишларида инновация назариясининг шаклланиши муаммосига бағишланган ишлар авваламбор Г. Хосперса, Р. Смитса, М. Лараньи, Э. Уараб ва К. Фланаганбларнинг ишларида

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. // *Халқ сўзи*. 19.01.2013.

ўз аксини топган. ГертЯн Хосперс ўзининг “Йозеф Шумпетер ва унинг инновациялар тадқиқотидаги мероси” номли ишида Й. Шумпетернинг неоклассиклар доирасида юзага келган инновация назарияси ҳақидаги қарашларини таҳлил этган. Руд Смитс ўзининг “XXI асрда инновациялар ҳақидаги таълимотлар: истеъмолчилар томонидан саволлар” номли ишида инновация тадқиқотларида жараёнли ва тизимли ёндашувчи мактабларни ажратиб кўрсатади. Мануэль Ларанья, Эльвира Уараб ва Кирон Фланаганблар ўзларининг “Фан, технология ва инновация соҳасидаги сиёсат: турли даражаларда ҳудудий сиёсатни назарий асослаш” номли ишларида мавжуд йўналишларни (эндоген ўсишнинг неоклассик назарияси, ўсишнинг янги назарияси, неомаршалианнинг кластер ёндашуви, эволюцион-структуралистик ёндашув, институционал тизимли ёндашув) инновацион сиёсат учун тавсиялар ишлаб чиқиш нуқтаи назаридан таҳлил қилаганлар. Замонавий иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи – инновация эканлигига ҳеч кимда шубҳа йўқ. Энди инновация назарияси вужудга келишига тарихий манбалар таҳлилин қилиб кўрамиз. Адам Смит ўзининг 1776 йилда чоп этган “The Wealth of Nation” номли монографиясида нафақат бозор тизими (талаб ва таклифнинг нисбати), балки янги технологиялар ёрдамида рақобатбардошликни янада ошириш ҳам капитализмнинг ташкилий механизми сифатида хизмат қилиши тўғрисида таъкидлаб ўтган<sup>2</sup>. Вақт ўтган сари мазкур постулат янада кенг ва янада салмоқли аҳамият касб эта бошлади ва ҳозирги кунда ташкилот ва компаниялар очик бозордаги рақобат курашида инновациялардан амалий омил сифатида фойдаланмоқдалар. Иқтисодий адабиётларда инновация назарияларини бир бутун сифатида тадқиқ этилган ишлар жуда ҳам кам учрайди. Инновация мавзусининг эволюциясига келадиган бўлсак, адабиётлар таҳлили қуйидаги тарихий босқичларни аниқлаш имконини берди:

---

<sup>2</sup> Адам Смит “Богатства народов” М., “Экономика” 1999 г.

- 10-30 йй. – назариянинг фундаментал асослари шаклланиши;
- 40-60 йй. – аввалги давр таянч инновацион ғояларни ривожлантириш ва батафсил ўрганиш;
- 70- йй.нинг ўртасидан то ҳозирга қадар.

Инновацияларнинг фундаментал асослари шаклланишида “катта тўлқинлар” назарияси асосчиси Н.Д. Кондратьевнинг тадқиқотларидан бошлаш тўғрироқ бўларди. Ҳолбуки, у катта тўлқинлар шаклланишида техник ўзгаришларнинг ролини аниқ кўрсатиб бермаган бўлса-да, катта тўлқинларнинг кўтарилиши чоғида амалга ошмаган ихтиролар амалда ўз ифодасини топишини назарда тутган. Н.Д. Кондратьев ўзининг тадқиқот фаолияти натижасида қуйидаги асосий ҳолатларни аниқлаган:

- 1) саноат ишлаб чиқаришда алмашинув фазалари кетма-кетлигининг даврийлигини аниқлаган;
- 2) даврларнинг кўплигини исботлаган; 3) даврлар моделини ишлаб чиққан.

Кейинчалик унинг илмий қарашларига Й. Шумпетер томонидан қўшимча киритилди ва у катта тўлқинларнинг пайдо бўлишида техник ўзгаришлар асосий ўрин тутишини асослаб берди. Инновацион ривожланиш назарияси асосчиси Й.Шумпетер ўз тадқиқотларида қуйидаги асосий ҳолатларга эътибор қаратган:

- иқтисодий инновацияларни фақат саноат билан боғлаган ҳолда уларга асосий урғу берган; “кашфиёт” ва “янгилик” тушунчаларини ажратган; - иқтисодиётда динамик ўзгаришлар инноватор-тадбиркор туфайли рўй беради деб таъкидлаган;
- глобал даврий инқироздан фақатгина янги технологик қатламдаги таянч инновацияларни жаҳон миқёсида рағбатлантириш орқалигина чиқиб

кетиш мумкин деб таъкидлаган<sup>3</sup>. У Кондратьев цикллари ҳаракатга келтирувчи куч сифатида техник революция тушунчасини киритди. У буғ двигателининг ихтиро қилиниш биринчи Кондратьев тўлқинига (1818-1842 йй.), темир йўлнинг ихтиро қилиниши иккинчи тўлқинга (1843-1897 йй.) ва электр двигатели ҳамда автомобилнинг ихтиро қилиниши учинчи тўлқинга (1898-1949 йй.) тўғри келиши бежиз эмаслигини таъкидлайди. Й. Шумпетер ушбу ўзгаришларни инновацион фаоллик ва тадбиркорликнинг гуркираб ривожланиши билан боғлайди. Д. Кондратьевнинг маслақдоши П.Сорокин ижтимоий-маданий соҳада инновацияларнинг асосини яратди, яъни у – ижтимоий муҳитда инновацион ривожланиш назарияси асосчиси бўлиб, маданият ва жамиятнинг бир нечта турини аниқлаган. Унга кўра маданият ва жамият турларидан бирининг афзал кўрилиши жамият, мамлакат ва маданиятнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб беради. Шу тариқа 30 йил давомида инновацион ривожланишнинг фундаментал асослари яратилди. Инновацион ривожланиш назарияси ривожланишининг кейинги босқичи – фундаментал хусусият касб этмайди (40-йиллардан 70-йилларнинг ўрталарига қадар). Кўпгина олимларнинг фикрича бунга Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги курул-яроқ пойгасининг таъсири катта бўлган. Барча тадқиқотлар амалий хусусият касб этди. Аммо инновациялар назарияси ривожланишида жиддий силжишлар содир бўлди. Ушбу даврдаги фундаментал ишларга инглиз олими Ж.Д. Берналнинг “Жамият тарихидаги фан” (“Science in history”) номли монографияси келтиришимиз мумкин. Ушбу монографиясида у илмий, техник ва ижтимоий янгиликлар ўртасида корреляцияни асослаган. Унинг фикрича илм-фаннинг ривожланиш даври одатда иқтисодий фаолликнинг ва техник ривожланишнинг кучайиш даври билан мос равишда содир бўлади<sup>4</sup>. Ушбу даврга келиб асосий

---

<sup>3</sup> Шумпетер Й.А. *Теория экономического развития*. М.: Прогресс, 1983. Стр.278-285.

<sup>4</sup> Ж.Д. Бернал. “Жамият тарихидаги фан” (“Science in history”) монографияси

эътибор инновацияларнинг иқтисодий ўсиш билан боғлиқлигига катта эътибор қаратила бошланди. Бу борада эътиборли ишларни амалга оширган олимлардан бири С.Кузнец бўлиб, у Шумпетер ва Берналларнинг ғояларини ривожлантирди. У иқтисодий ўсиш белгиларини шакллантирди ва унга кўра миллий маҳсулотнинг барқарор ўсиши, техник ривожланиш, ғоявий, институционал ва бошқа ўзгаришлар иқтисодий ўсиш. С.Кузнец инновациялар фақатгина технологик эмас, балки ижтимоий жиҳатга ҳам эгаллигини таъкидлаб ўтди. Янги технологиялар салоҳияти амалга ошиши учун у ёки бу тарихий даврларда устунлик қилган ижтимоий ўзгаришлар ҳам зарур деб ҳисоблаган ва 1971 йилда “Давр инновацияси” (эпохальная инновация) тушунчасини киритди. Унинг таъкидлашича, корпорацияларсиз саноат инқилоби, буғ двигателларини қўллаш мумкин бўлмасди. Худди шундай – қимматли қоғозлар бозорисиз темир йўл тармоғи ривожланмасди. Мавжуд ижтимоий тузилмаларга асосланган, ammo технологик имкониятлар ва ишлаб чиқариш кўникмалари томонидан қўллаб-қувватланмаган Ижтимоий инновациялар Мавжуд ижтимоий тузилмаларга, технологик имкониятларга ва ишлаб чиқариш кўникмаларига асосланган Технологик инновациялар Мавжуд ижтимоий тузилмалар, технологик имкониятлар ва ишлаб чиқариш кўникмаларига асосланмаган Мавжуд ижтимоий тузилма қўллаб- қувватламайдиган, ammo технологик имкониятлар ва ишлаб чиқариш кўникмаларига асосланган. Ижтимоий ва технологик инновацияларнинг ўзаро боғлиқлиги.

Инновациялар назарияларининг замонавий босқичи немис олими Герхард Меншнинг Кондратьев ва Шумпетернинг катта тўлқинлар назариясига бағишланган “Технологик пат: инновациялар депрессиядан устун” номли монографиясидан бошланади. У иқтисодий ўсиш ва (таянч янгиликлар пайдо бўлиши оқибатидаги) даврийликни ўзаро боғлашга ҳаракат қилган. Унинг фикрича таянч янгиликлар ўзининг салоҳиятини

йўқотганидан кейин техник пат ҳолати юзага келади. Унинг тадқиқотлари натижаларини қуйидаги асосий ҳолатлар билан ажратиш мумкин:

- техник қатламнинг ҳаёт циклини тасвирловчи инвестицияларнинг S моделини ишлаб чиққан;
- “Технологик пат” тушунчасини киритган бўлиб, унга кўра инновацияларсиз ундан чиқиб кетишнинг имкони йўқ;
- инновацион ривожланиш депрессия фазасидан кейин содир бўлишини таъкидлаган.

Рақобат афзалликлари назарияси асосчиси М. Портер инновациялар тўғрисидаги назарий қарашлари ҳам инновация назарияси ривожига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган деб уйлаймиз. У инновациялар ва рақобатбардошлик ўртасидаги боғлиқликни ўрганган ҳамда компаниянинг рақобат афзалликларини унинг инновацияларни ўтказиш ва уларни жорий этиши билан солиштирган.

Инновация назариялари ривожланишининг учинчи босқичида эътиборга молик тадқиқотларни олиб борган олимлар сифатида қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш лозим: С.Ю. Глазьев – “технологик уклад” концепцияси асосчиси. Унинг таъкидига кўра технологик уклад – бу техниканинг ўзаро боғлиқ бўлган ва бир бирини кетма-кет алмаштирувчи бир қанча авлодларидир. Унинг “технологик уклад” концепцияси Кондратьевнинг “катта тўлқинлар” назарияси асосида яратилган дейиш тўғри бўларди. Биринчи технологик уклад биринчи кондратьев тўлқинига, иккинчи уклад иккинчи тўлқинга в.хк. тўғри келади. Ҳозирда постиндустриал мамлакатлар олтинчи технологик укладга ўтиш жараёнида туришибди. Америкалик иқтисодчи Б.Твисс – инновацияларга жараён сифатида қараган ва кашфиётлар янгиликларга айланишининг муваффақиятлилиги боғлиқ

бўлган омилларни кўриб чиққан<sup>5</sup>. Унинг таъкидлашича инновация – жараён бўлиб, унда кашфиёт ёки гоё иқтисодий моҳиятга эга бўлади.

Кристофер Фримэн – “миллий инновацион тизимлар” (МИТ) концепцияси асосчиси. Фримэннинг таъкидлашича МИТ – бу “хусусий ва давлат институт ва ташкилотлари тармоғи бўлиб, уларнинг фаолияти ҳамда ўзаро алоқалари янги технологияларнинг вужудга келиши, импорт қилиниши, модификацияланиши ва тарқалишига олиб келади”.<sup>6</sup> А.Кляйнкнехт – Г.Менш назарий қарашларининг кўпгина жиҳатларини танқидий қарши олди ва ривожлантирди. У Г.Меншнинг депрессия босқичида янгиликлар кластери шаклланишига оид фикрларига аниқлик киритган. Унинг аниқлашича, маҳсулотларга янгилик киритиш (маҳсулотлар инновацияси) депрессия фазасида содир бўлади, жараёнга янгиликлар киритиш (жараёнлар инновацияси) эса катта тўлқиннинг ўсиш босқичида содир бўлади. Маҳсулотлар инновацияси ва жараёнлар инновацияси ўртасидаги фарқни Р.Кумбос ва А.Кляйнкнехтларнинг ўзаро ҳамкорликда ёзган ишларида келтирилган қуйидаги классификациядан аниқ ва равшан кўриш мумкин:

- “Соф” маҳсулотлар инновацияси (сўнги истеъмол учун мўлжалланган);
- янги медицина жарроҳлиги, аппаратлари ва дори-дармонлари;
- янги инвестицион товарлар (энг аввало истеъмол товар ва хизматларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган);
- янги техник ускуналар (ҳам инвестицион ҳам истеъмол товарларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкони мавжуд бўлган);
- илмий инструментлар (лаборатория тадқиқотлари учун мўлжалланган аммо кейинчалик саноат мақсадларида фойдаланилиши мумкин бўлган);

---

<sup>5</sup> Артемьев И.Е. *Рынки технологии в мировом хозяйстве*. - М.: Наука, 2009.

<sup>6</sup> Меньшиков С.М. «Кристофер Фримен: Длинные волны в экономике». М., ЛЕНАНД, 2014 г. 208214 стр.

“Соф” жараёнлар инновацияси (фақат ишлаб чиқариш омилларини тежашга йўналтирилган). Элвин Тоффлер – постиндустриал жамият концепцияси муаллифларидан бири бўлиб, ўзининг илмий асарларида инсоният янги технологик инқилобга ўтмоқда деб таъкидлайди ва жамият ривожланишини уч “тўлқин”: аграр, саноат, ахборот тўлқинларига ажратади. Шу боисдан ҳам кўпгина адабиётларда учинчи тўлқин, яъни ахборот тўлқини “ахборот инқилоби” ёки “технологик инқилоб” деб ҳам аталади. У инновацион жараёнларни уч босқичга, яъни ижод, амалиётда қўллаш ва ва жамиятга тарқатиш босқичларига ажратади. Инновация назариялари ривожининг учинчи босқичидаги методологик ишлар сифатида Иқтисодий Ҳамкорлик ва Тараққиёт ташкилоти (ИХТТ) ишлаб чиққан “Фраскати қўлланмаси” ҳамда ИХТТнинг Евростат билан биргаликда ишлаб чиққан “Осло қўлланмаси”ни таъкидлаб ўтиш лозим деб ўйлаймиз. Мазкур ҳужжатлар фан ва инновациялар статистикаси методологиясига бағишланган илк ҳужжатлар ҳисобланади. “Инновация” атамаси ривожланиши давомида унга турли хил таърифлар берилган. Шуларнинг энг тўғриси сифатида Фраскати ва Осло қўлланмаларида келтирилган таърифларни келтириш мумкин. Мазкур қўлланмалар ишлаб чиқаришни модернизациялашни чуқурлаштириш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнлари ва натижалари тўғрисида илмий асосланган хулосалар чиқаришга имкон берувчи ишончли статистик маълумотларни шакллантириш бўйича услубий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда. Шундай қилиб, инновацион ривожланишнинг назарий асосларини таҳлил қилиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: ҳозирда иқтисодиёт илмида инновацион ривожланишнинг кўплаб назариялари, концепция ва гипотезалари мавжуд. Одатда ушбу назария ва концепциялар ўзидан олдингиларнинг бирлаштирувчи давоми ҳисобланади; инновацион ривожланиш назарияси асосининг шаклланиши даврлар ва инқирозларнинг умумий назарияси вужудга келиши доирасида содир бўлган. У Кондратьевнинг “катта тўлқинлар назариясини

ривожлантириш натижасида шаклланди; инновацион ривожланиш назарияси шаклланишининг учинчи босқичида асосий эътибор ҳудудий жиҳатга, яъни турли мамлакатлар ва маданиятларнинг инновацион фаолликларидаги тебранишларга қаратилди. Инновацион фаоллик эпицентри вақти-вақти билан силжиб турди. Барча мамлакатлар инновацион ривожланишга катта эътибор қаратиб ўзларининг инновацион ривожланиш концепцияларини яратдилар.

## **1.2. Инновациялар иқтисодий ўсишнинг бош омили сифатида**

XX асрнинг ўрталарида кенг кўламда ривож топган илмий-техник инқилоб мулкдорлар, тадбиркорлар ҳамда иқтисодчилар эътиборини ишлаб чиқаришда рўй бераётган турли технологик ўзгаришларга тортди. Шундай ўзгаришларни илмий соҳада “инновация” атамаси билан атай бошланди. Натижада ҳозирги даврга келиб “инновация” тушунчаси бирон-бир турдаги фаолиятни таркибий жиҳатдан янгилаш, тубдан ўзгартириш, хўжалик фаолияти субъектлари томонидан илмий-техник, ташкилий, бошқарув ва бошқа янгиликларнинг яратилиши, тарқатилиши ҳамда жорий этилишини ифода этади.

Инновация сўзи лотинчада янгиланиш, яхшилаш деган маънони беради. Бу атамани Ўзбекчада ҳам худди шундай мазмунга эгадир ва уни янгилик киритиш, янгилик деб тушуниш мумкин.

Капиталистик ишлаб чиқариш, Шумпетер бўйича, техника ва технологиясида, янги бозорларни ўзлаштиришда, бозор тузилмаларини қайта ташкиллашда доимий равишда инқилобий ўзгаришсиз кун кўра олмайди. Бундай ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириладиган доимий инновациялар оддий такрор ишлаб чиқаришдаги вазиятда мавжуд бўлмаган (ёки, Шумпетер ибораси бўйича, хўжалик доиравий айланиши) фойдани

асосий манбасидир. Фойда иқтисодиёт доимий ҳаракатда бўлганда, динамик ривожланиш жараёнида мавжуд бўлади холос.

Иқтисодий ривожланишни динамик моделини ишлаб чиқиш муносабати билан Шумпетер “самарали рақобат” ва “самарали монополия” тушунчаларини киритиб, уларни янгилик киритиш жараёни ва тадбиркорлик функцияси билан боғлади.

Шумпетер бўйича янгилик киритиш янги типдаги рақобат ўзаги, баҳолар орқали рақобат қилишга қараганда анчагина таъсирчандир. Янгиликни жорий қилиш нафақат технология ва маҳсулотни ўзгартириш имкониятини беради, балки талаб тузилмасига, ҳаражатлар ҳажмини шакллантириш ва баҳоларга ҳам таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва маҳсулотни ўзини сифатида афзалликка эришиш хисобига фойда олишга интилишни рағбатлантирадиган рақобатни ҳам тезлаштиради. Буларни Шумпетер “самарали рақобат” деб атаган<sup>7</sup>. Шумпетер концепциясида алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлар, чекланган ресурсларга ёки тақчил неъматларга эгалик қилишга асосланган монополиялардан фарқ қиладиган янгилик киритишга қаратилган янги типдаги рақобат билан боғланади. Янгилик киритиш натижасини ўзида ифода қиладиган монополияни Шумпетер самарали деб атаган, чунки у фаол рақобат шароитида шаклланади. Унинг фикрича, турғунлик ва баҳолар механизмидан фойдаланиш орқали курашиш янги рақобатга ётдир. Янгиликка интилувчи учун олинадиган монополь фойда янгиликни жорий қилганлик учун рағбат ва тақдирлашдир. Шунинг билан бирга бу нарса у ёки бу компанияга ўтади, чунки рақобат механизми таъсирида йўқ бўлиб кетади. Шундай қилиб, Шумпетер назариясида “самарали монополия” иқтисодий тараққиётнинг табиий таркибий қисмидир.

Иқтисодий ривожланишни ички омилларини тадқиқ қилишда Шумпетер кредитга муҳим роль ажратган. Кредитга янги ишлаб чиқариш

---

<sup>7</sup> Шумпетер Й.А. *Теория экономического развития*. М.: Прогресс, 1983. Стр.278-285

комбинацияларини барпо қилиш учун мавжуд омиллардан фойдаланишнинг муҳим омили сифатида қаралган. Новатор тадбиркорлар ўз тасарруфларига ишлаб чиқариш воситаларини олишлари учун улар билан банк кредитларидан фойдаланишлари керак. Банклар новаторлар учун пул “яратадилар”, шу жараёндан бошлаб ресурслар оқимини қайта тақсимлаш бошланади, яъни ижтимоий капитални қайта тақсимлаш амалга оширилади.

Шундай қилиб, банклар, Шумпетер фикрича, ривожланишни алоҳида аҳамиятга эга бўлган воқелигидир (феномен), улар халқ хўжалиги номидан ҳаракат қилиб, янги ишлаб чиқариш комбинацияларини амалга ошириш учун ваколат берадилар. Улар инновацияни амалга ошириш хоҳиши билан буни амалга ошириш имкониятлари ўртасида зарур бўлган воситачи сифатида намоён бўлади. Бундай имкониятларни тақдим қилганлик учун тўлов фоизни ифода қилиб, янги ишлаб чиқариш кучларини харид қилганлик учун тўланган баҳони билдиради. Шумпетер фикрича, айнан ривожланиш бу сўзни том маъносида (доиравий айланиш эмас), кредитга мухтож. Агар тадбиркор фаолиятига қайтсак, у кредитни олиб ишлаб чиқариш омиллари бозорига боради. Ушбу бозорда, бизни фарз қилишимизча, талаб билан таклифни тўлиқ мувозанати ҳукм суради, тадбиркор эса уни бузади. Чунки унга ресурсларни кўшимча бирлиги талаб қилинди ва у ресурсларни кўшимча бирлиги учун оширилган баҳони таклиф қилади. Бунинг натижасида мувозанат баҳолар тизими бузилади, ресурслар оқими йўналиши ўзгаради, демак, истеъмол товарлари оқими ҳам ўзгаради. Доиравий айланишни бутун мароми, бутун баҳолар, ҳаражатлар ва даромадлар тизими бузилади. Бунда кимдир синади (банкрот бўлади). Бироқ тадбиркорларнинг асосий қисми новаторлар ортидан боради – бундай “ғалаён” доимий содир бўлади. Айнан шу нарса, мувозанатли доиравий айланиш эмас, одатий ҳолатдир. Айтиш жоизки, мана шу ҳолатга кўра тадбиркорлик фойдаси доим мавжуд ва шунинг учун капитализм жойида турмайди, узлуксиз ривожланади.

Ўз навбатида, Шумпетер шуни ҳам ҳисобга оладики, банклар томонидан кредит берилиши туфайли муомалада пулни кўпайиши баҳоларни умумий даражасини оширишга олиб келади. Биринчи навбатда баҳолар ишлаб чиқариш ресурсларига, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлашга ошади. Лекин бу, миқдорий назарияда кўрилганидек, Шумпетер фикрича, шунчаки инфляция эмас. Бундай бошланғич инфляция натижасида хўжалик доиравий айланиши бузилади: анъанавий усулда ишлаётганлар банкротликка учрайдилар (чунки янги шароитда даромадлар ҳаражатларни қопламайди), аксинча новатор тадбиркорлар фойда олади. Баҳоларни шунчаки ошиши юз бермайди, балки иқтисодий тузилмаларни бир вақтни ўзида ўзгариши, ривожланиш спиралини янги юқори поғонасига ўтиш юз беради. Шунга кўра банк кредити иқтисодий ривожланиш феномени билан боғланган воқеликка айланиб қолади. Пул эса шунчаки муомала воситаси ва неъматлар ўлчови функциясини бажармасдан иқтисодий ривожланиш, шу жумладан, фойда, фоиз воситаси орқали катализаторга айланади.

Шумпетер иқтисодиётни циклик ривожланиши шаклини ҳам новаторлик фаолияти билан боғлайди. Ушбу муаммони тадқиқ қилиш учун у “Иқтисодий цикллар” (1939 й) асарини ёзади. Уч цикл типлари (узок, классик ва қисқа цикл типлари ўртасида алоқаларни очиб бериб, Шумпетер иқтисодий циклларни ихтирони жорий қилиш давридан мавжудлигини келтириб чиқаради. Бу эса “сакрашлар” орқали амалга оширилади, қачонки бир ихтиро ўз ортидан бир талай янгиликни олиб келади. Шумпетер ёзишича, ҳар бир инновация ҳар томонга тарқалиб шунга ўхшашга ҳаракат қилувчилар сонини тўлқинсимон кўпайтиради. Бундай тўлқинларни кўпчилиги бир вақтни ўзида тарқалади, улар бир-бирини устига ётади ва бундай ҳаракат (барча тўлқинлар йиғиндиси) бир маромда ва бир текисда бўлиши мумкин эмас. Бу нарса умумий кўтарилиш даврини келтириб чиқариб, умумий пасайиш даври билан билан алмашилиши мумкин. Шумпетернинг иқтисодий цикллар таҳлилига ёндашувининг моҳияти шунда мужассамлашган. У иқтисодий инқирозлар

сабабини иқтисодий кўтарилиш даврини тугалланиши билан боғлиқ бўлган ваҳимада кўрган. Ушбу иқтисодий воқеликни тушунтиришда асосий нарса сифатида психологик мотивни кўради.

Глобал ва макродаражада инновациялар манбаси тез ўсиб боровчи эҳтиёжлар билан уларни қондириш ўртасидаги қарама – қаршиликдир. Жамият чекланган ресурсларга эга бўла туриб, ўз эҳтиёжларини қондиришни янги ва янги самараралироқ усулини ихтиро қилишга мажбур. Кейинги авлод одамлари эришилган даражадан туриб олға ҳаракат қилади ва юқорироқ талаб кўяди. Ушбу қарама – қаршиликни микродаражада конкрет кўриниши ресурслар чекланганлиги шароитида улардан самарали фойдаланишни альтернатив имкониятларидир.

Айтиш жоизки, рақобат иқтисодий омилни таркибий қисми сифатида намоён бўлиб инновацияни рағбатлантиради. Й.Шумпетер “янги товарни, янги технологияни, хомашёни янги манбасини, ташкиллашни янги типини” ихтиро қилинишига асосланган рақобатга муҳим аҳамият берган.

Рақобат ишлаб чиқаришни ўстириш ва ҳаражатларни қисқартиришни таъминлайдиган қудратли механизмдир. Рақобат потенциал хавф сифатида ҳам таъсирчан. Айтиш жоизки, у (рақобат) ўзи бошлангунга қадар рақобат қилувчиларни интизомга солиб кўяди. Бизнесчилар ўз тармоғида тўлиқ монополист бўлган тақдирда ҳам ўзини рақобат муҳитида хис қилиши керак. Шунинг билан бирга рақобат фойдани кўпайтиришни энг муҳим воситаларидан биридир. Инновациялардан фойдаланиш ва уларни фаолиятга жорий қилиш кўп холларда қўшимча фойда олиш билан боғлиқ. Чунки ким биринчи бўлиб самарали инновацияни амалга оширган бўлса, у янги хусусиятга эга бўлган маҳсулот ишлаб чиқариб, янги хизмат турини кўрсатиб, бозорда маҳсулотини тез ва юқорироқ фойда олган холда сотади. Бу дегани қўшимча фойдадир. Кейинчалик рақобат муҳитида инновация тарқалдади. Бу эса фойдани ушбу турини йўққа чиқаради.

Айтиш жоизки, фойда ва унинг билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш самарадорлиги материал, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш даражасига ҳам боғлиқ. Янги технологиялар, жиҳозлар, бошқариш усуллари ҳаражатларни анчагина қисқартиришга қодир. Масалан, “қоғозсиз офис” деб аталувчи, яъни интрасетни қўллаш ҳаражатларни тежаш бўйича катта натижа беради. Мисол тариқасида айтиш мумкинки, Майкрософт фирмаси 1998 йилда электрон шакллардан фойдаланишга ўтган, янги тизимга ўтгандан сўнг биринчи 12 ой ичида тежаб қолинган сумма 40 млн долларни ташкил қилди. Ҳужжатларни қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни қисқартириш энг катта тежамга олиб келди.

Юқорида таъкидланганидек, инновациялар биринчи навбатда меҳнат курулларини, яъни технологияларни такомиллаштириш билан боғлиқ. Ҳозирги шароитда техника ва технологияни янгилашнинг оптимал даври 4-5 йилгача қисқарди, юқори даражада ривожланган тармоқларда эса бу давр 2-3 йилни ташкил қилмоқда. Асосийси шуки, янгилашга талаб уларни (техника ва технологияларни) маънавий эскириши билан тақозо қилиняпти. “Касбий фаолиятни ярим парчаланиши”, яъни касбий билимларни 50%га эскириш муддати муҳандислар учун кимёгарлар, табиёт ходимлари, биологлар учун эса 4 йилдан кам бўлмаган муддатни ташкил қиляпти. Маҳсулотни бозорга чиқиш тезлиги доимий равишда ортяпти. Шунинг билан бирга маҳсулот сифати юқори, баҳоси эса рисоладагидек бўлмоқда. Ўзгаришларни тезлаштиришга, маҳсулот сифатини оширишга катта хиссани ахборот технологиялари кўшмоқда. Шунингдек, электрон технология ходимларни секин кечадиган ва меҳнат сиғими катта ишдан қутқаришга қодир. Масалан, қоғоз версияли ҳужжатлардан.

Инновациялар бир неча босқичдан иборатдир. Бунда ихтирочилик инновацияларни жорий қилиш йўлидаги биринчи қадамдир. Ихтирочида келиб чиққан назарий концепция ҳозирги замон ишлаб чиқариши, бозор ва рақобат талабларига жавоб бериши керак. Ихтирочи тадбиркор ёрдамга

мухтож. Баъзида ғояни хаётга татбиқ қилиш бир нечта ташкилотларда банд бўлган гуруҳлар ҳаракатини бирлаштиришни талаб қилади.

Инновацияни пайдо бўлишини бош омилини ажратиб олиш мушкул албатта. Одатда, кўпчилик иқтисодчилар инновацияни асосий омили деб фойдани кўпайтириш деб ҳисоблайдилар. Албатта, фойда инновация учун муҳим рағбатлантирувчи омил, лекин баъзида инновация пул шаклида катта фойда келтирмаслиги мумкин, бироқ, юқори ижобий ижтимоий (социал) самарага эга бўлиб ишлаб чиқаришни ижтимоий масъул субъект сифатида обрўсини (имидж) ошириши мумкин. Масалан, жамоатчилик транспортида қариялар учун паст поғоналар ёки ногиронларни транспорт воситаларига чиқиши учун махсус жиҳоз ўрнатиш.

Инновациялар кўп функцияларни бажарадилар. Ушбу функцияларни умумлаштирилган ҳолда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) *такрор ишлаб чиқариш функцияси* шуни билдирадики, инновациялар кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни молиялаштиришнинг муҳим манбасини ўзида ифода қилади. Ушбу функциянинг моҳияти инновациялардан фойда олиш ва ундан молиявий ресурслар манбаси сифатида фойдаланишда мужассамлашган.

2) *инвестицион функция* инновациялардан фойда турли йўналишлар бўйича, шу жумладан капитал сифатида, инвестициялаш учун ишлатилиши мумкин.

3) *рағбатлантириш функцияси* тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришда ифодаланиши мумкин.

Инновацияларни амалга ошириш ҳисобига тадбиркор томонидан фойда олиниши ҳар қандай тижорат ташкилотини асосий мақсадларига мос келади. Фойда тадбиркорга инновацияларни жорий қилиши учун рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Бунинг учун у маркетинг фаолиятини ташкиллашни такомиллаштириш, молияни бошқаришни ҳозирги замон усулларини қўллашга ундайди.

### **1.3. Ўзбекистонда инновацияларни давлат томонидан тартибга солинишининг хусусиятлари.**

Инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солинишининг зарурлиги биринчи навбатда, уларнинг иқтисодиёт ва умуман жамият учун ўсиб бораётган аҳамиятидан келиб чиққан. Иқтисодиётнинг тузилиши инновациялар таъсири остида ўзгаради. Ахир ресурслардан фойдаланишнинг самарадорлигини ўсиши ҳисобига уларни бир қисми бўшайдилар ва фаолятнинг бошқа соҳаларига қайта тақсимландилар. Масалан, қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг улуши қисқаради, хизматлар соҳасида эса ўсади. Бундан ташқари, инновациялар янги ишлаб чиқаришлар, соҳаларни вужудга келиши ва мавжуд бўлганларни аста-секин барҳам топишининг бевосита сабабачи бўладилар. Инновацияларнинг жамиятни иқтисодий ташкил қилинишини ҳам ўзгартирадилар. Янги ижтимоий институтлар ва хўжалик ташкилотлари (масалан, венчурли фирмалар) пайдо бўладилар, улар ўртасидаги ўзаро алоқалар ўзгарадилар. Мулкнинг тузилишида силжишлар содир бўлади. Бошқарув технологияси такомиллашади: вертикал таъсир кўрсатишлар борган сари горизонталлар билан тўлдирилади ва алмаштирилади. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг мазмуни ҳам ўзгаради. Инновацион жараёнлар борган сари каттароқ социал аҳамият касб этадилар. Янгилик киритишлар билан яратиладиган иқтисодий ўсиш нафақат аҳолини турмуш даражасини ошишига имкон беради, балки бандлик муаммоларини янги юқори иш ҳақи тўланадиган иш жойларини ташкил қилиниши ҳисобига ҳал қилиниши, таълим ва соғлиқни сақлаш даражасини оширишга ёрдам беради. Бундан ташқари ҳозирги тарихий даврда инновацияларни тарқалиши жараёни ҳар хил социал ва иқтисодий субъектларни ягона бир бутунга боғловчи, миллатнинг ягоналигини таъминловчи, кўпгина ҳолларда социал зиддиятлар ва жанжалларни юмшатовчи элементлардан бири бўлади. Ҳозирги дунёдаги инновацион

жараёнларнинг интенсивлиги экологик муаммоларни анча кескинлаштирган. Бир қатор йўналишлар бўйича атроф муҳитга антропоген юклама мушкул чегарага яқинлашмоқда, уни орқасида моддаларни табиатдаги меёрий ўзгариб туришини бузилиши муқаррардир. Бошқа томондан, фақат инновациялар ёрдамида инсон ва табиат ўртасидаги муносабатни уйғунлаштириши мумкин. Ахир худди илмий – техник ютуқлар ишлаб чиқаришнинг тузилмаси ва истеъмолни рационаллаштириш ҳамда қайтадан айланувчи технологияларни тарқатиш йўли билан ўрни тўлдирилмайдиган ресурслардан фойдаланишни ва зарарли чиқиндиларни камайтиришга имкон беради. Бу муаммолар жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинган, барқарор экологик мувозанатни кўзда тутувчи 21 – асрда барқарор ривожланиш концепцияси муносабати билан айниқса долзарбдир. Ўтган аср хўжалик ҳаётини муддат билан интернационаллашуви билан маълум бўлади. Кўпинча интеграциянинг юқори даражасида эга халқаро характер инновацион жарёнларни ҳам касб этади. Ҳар хил мамлакатларни инновацион соҳада кооперациялашиши ресурсларни янги илмий – техник натижаларни олиш, ҳам буюмли ва ҳам буюмли бўлмаган шакллардаги технологияларнинг трансферти, жаҳон илмий - инновацион инфратузилмасини яратилиши ўз моҳиятига кўра глобар характерга эга инновацияларни амалга ошириш мақсадида бирлаштирилиши орқали содир бўлади. Илмий - техник тараққиётнинг ҳозирги кўламларида кўпгина инновацион лойиҳаларни битта, ҳатто энг ривожланган мамлакатларни амалга оширишга кучлари етмайди. Аммо мамлакатда худди шундай илмий – техник база, ҳамда ҳориждан инновацияларни қабул қилишни таъминловчи механизмлар мавжуд бўлмаса жаҳон инновацион жараёнларига тўлақонли интеграциялашишнинг иложи бўлмайди. Мамлакатнинг меҳнат тақсимотига кўшилишининг даражаси ва самарадорлиги товарлар ва хизматларнинг жаҳон бозорларидаги унинг тутган ўрни, малакали мутахассисларнинг мавжудлиги билан таърифланади. Ушбу параметрлар табиий ресурсларга эксклюзив эгаллик қилиш ёки экстенсив характердаги бошқа афзалликлар билан камроқ даражада

ва маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминловчи инновациялардан фойдаланиш билан борган сари кўпроқ даражада белгиланадилар. Миллий иқтисодиётнинг глобал рақобатбардошлигини инновацион жараёнларни ривожланиши даражасига боғлиқлиги – инновацияларнинг умумдавлат аҳамиятидаги муҳим жиҳатидир. Аммо инновацион жараёнларни давлат томонидан тартибга солинишининг зарурияти нафақат уларнинг умуммиллий аҳамияти, балки иқтисодий мазмуни билан ҳам асосланган. Бир томондан, бозор иқтисодиётига инновациялар – хўжалик юритувчи субъектлар фойдасини бозор талабини яхшироқ қаноатлантириш, ишлаб чиқариш ҳаражатларини рақибларникига нисбатан камайтириш ҳисобига кўпайтиришнинг асосий вазифасидир. Бошқа томондан, классик бозор механизмларини амалда бўлиши шароитларида илмий – техник натижаларни олиш ва уларни хўжалик амалиётига татбиқ этиш анча қийинлашади. Бозор иқтисодиётига эга хорижий мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, илмий – техник ривожланиш масаласида бозорни автоматлаштирилишига тўлиқ суяниш мумкин эмас. Янгилик киритишлардан фойдаланиш фақат у ёки бу корхона ёки минтақанинг хусусий муаммоси бўлмайди, у кўпроқ ижтимоий характерни касб этади, чунки у ёки бу малакатни ривожланишининг социал–иқтисодий истиқболлари борган сари у ерда инновацион жараёнлар қанчалик узвий бораётганига боғлиқдир. Инновацион жараёнларни бошқаришнинг марказлаштирилган усулларининг устуворлиги жаҳон амалиёти томонидан исботланган. Ушбуни ҳамда бизнинг иқтисодиётимизнинг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда илмий – техник тараққиёт соҳасида давлат томонидан тартибга солишдан воз кечиш ва бозор механизмлари ва хусусий ташаббусга умид боғлаш енгилтаклик бўлиб кўринади. Инновацион жарённи ривожланишини бошқаришнинг ўзаги деб давлатнинг илмий – техник сиёсатини ҳисоблаш зарур. Ижтимоий ривожланишнинг барча элементлари ва бўғинларида инновациялар (янгилик киритишлар, илмий-техник ютуқлар)ни яратиш ва тadbик этиш бўйича жараёнлар, ҳамда фан ва техника ютуқларини

(ҳам ишлаб чиқриш–техник ва ҳам истеъмол белгиланишида)ўзида рўёбга чиқарувчи илмий–техник сиёсатининг объекти бўладилар.

Давлат илмий – техник сиёсати:

- илмий – техник ютуқларни татбиқ этилиши ва ишлаб чиқаришни янгиланиши туфайли маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминловчи инновацион фаолиятни ошишига кўмаклашиши;

- замонавий технологик тартибнинг асосини ташкил қилувчи базисли ва яхшиланувчи инновациялари ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини таъминлаш;

- рақобатли бозор инновацион механизмини самарали фаолият юритиши учун шароитлар яратиши;

- технологияларнинг минтақалараро ва халқаро трансфери, халқаро инвестицион ҳамкорлик, миллий инвестицион тадбиркорликни манфаатларини ҳимоялашга кўмаклашиш зарур.

Инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб- қувватланишининг аниқ шакллари қуйидагилар кирадилар:

- тўғридан тўғри молиялаштириш;
- якка кашфиётчилар ва кичик татбиқ этувчи корхоналарга имтиёзли банк ссудаларини бериш;
- катта солиқ имтиёзларидан фойдаланувчи венчурли инновацион фондларни ташкил қилиш;
- якка кашфиётчилуар учун давлат патентли божларини пасайтириш;
- ресурсни тежовчи кашфиётлар бўйича патентли божларни тўлаш муддатларини кечиктириш;
- технологиялар, технопарклар тармоғини ташкил қилиш ва ҳ.к.

Давлат илмий – техник сиёсатини амалга оширишда фойдаланадиган тартибга солишининг(тўғридан тўғри ва воситали) шакллари ва усуллари бозор

муносабатларини вужудга келиши даврида халқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларида эгилувчан ва адекват бўлиши керак. Ушбу босқичда давлатнинг фаолияти инновацияларни татбиқ этиш ва тарқатишни ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилиши керак. Юқорида баён этилганларни барчаси Ўзбекистонда илм соҳасидаги фаолият ва инновацияларни давлат томонидан тартибга солиниши учун иқтисодий ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди. Республика Вазирлар Маҳкамаси Мувофиқлаштирувчи кенгаши қошидаги фан ва технологиялар бўйича марказ томонидан Ўзбекистонда инновацион фаолиятни ривожлантириш ва технологияларни тижоратлаштириш дастури таёрланмоқда, у бунинг учун керакли инфратузилмани: инновацион фаолиятнинг барча жиҳатлари (мулкчилик ҳуқуқларини тартибга солишдан тортиб қулай инвестицион муҳитни яратиш, фондли ва венчурли молиялаштириш тизими вужудга келтиришгача) учун ҳуқуқий базани; мамлакат инновацион салоҳияти мониторинги учун ахборот блокани; технологиялар ва кўп илм истеъмол қилувчи маҳсулотларни илмий соҳадан ишлаб чиқаришга, миллий ва хорижий бозорларга трансферти (узатиш) тизимларини, технологик менежмент соҳасида мутахассисларни тайёрлаш учун таълим базасини яратишни кўзда тутуди. “Ўзбекистон Республикасидаги инновацион фаолият ҳақида”, “Технологияларнинг трансферти ҳақида”, “Тижорат сирини ҳақидаги” қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг “Икки томонлама (ҳарбий ва фуқаролик) қўлланишдаги технологияларни узатиш тартиби ҳақида”, “Ўзбекистон Республикаси фуқароларига хорижий шериклар билан лицензион битимлар бўйича ваколатли мукофотлар тўлаш тартиби ҳақида”, “Экспортга мўлжалланган ишлаб чиқишларни хорижий патентлантиришга валюта маблағларини ажратиш тартиби ҳақидаги” бир қатор қарорлари ишлаб чиқилмоқда. Уларни қабул қилиниши “Ақлий мулк ҳақида” ва “Хизмат кашфиётлари ҳақидаги” амалдаги қонунлар билан биргаликда илмий-техник фаолиятни амалга ошириш ва ақлий ва саноат мулки объектларидан

фойдаланиш жараёнида вужудга келадиган ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий механизмларини йўлга қўйишга имкон беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник-технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришнинг қўшимча чоралари ҳақида”ги Фармони қабул қилинган. Ҳақиқий иқтисодий шароитлар ва мамлакатдаги фан ва технологияларнинг у ёки бу соҳасини жаҳон даражасига нисбатан ривожланганлиги даражасига қўшилган ҳолда, илмий-техник сиёсатнинг белгиланган стратегиясини танлаб олиш талаб қилинади. Жаҳон тажрибасидан фан, техника ва технологияларни ривожланишининг учта тамойили: умумий, селектив (танлаб олинadиган) ва бошқалардан ўрганиш маълум. Фан ва технологияни умумий ривожланиши стратегияси, яъни барча мавжуд йўналишлар ва соҳаларда илмий тадқиқотлар ва технологик ишлаб чиқаришларни ўтказиш ҳозирги вақтда республика учун қабул қилиб бўлмайдиган, келажакда эса мамлакатни жаҳон илмий ҳамжамиятига интеграциялашиши ва унинг доирасидаги “Меҳнат тақсимоти” туфайли мақсадга мувофиқ бўлмаслиги мумкин. Ўзбекистон учун селектив ривожланиш ва илғор илмий-техник ишлаб чиқаришларни бошқалардан ўрганиш стратегияларини бирлаштирувчи йўл мақсадга мувофиқроқ кўринади. Биринчиси (селектив) мавжуд илмий-техник салоҳият ва унинг ҳаракатларини устувор давлат илмий-техник сиёсатига жамлаш асосида иқтисодиётнинг базавий соҳалари учун. Иккинчиси – республикада кучсиз ривожланган ва жаҳон даражасидан анча орқада қолган, аммо иқтисодиёт учун ғоятда зарар йўналишлар учун. Инновацион жараёнларнинг кўрсатиб ўтилган таърифлари, ҳамда давлатнинг ҳозирги жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий роли давлат идораларининг инновацион фаолиятини тартибга солиш бўйича вазифаларини белгилаб беради. Улардан энг муҳимлари қуйидагилар:

1. Инновацион фаолиятни мувофиқлаштириш. Давлатнинг вазифаси – инновацион жараёнларнинг умумий стратегик мўлжалларини белгилаш ва ҳар хил тузилмаларнинг инновацияларни

амалга оширишдаги кооперацияси ва ўзаро ҳамкорлигига кўмаклашиш.

2. Инновацияларни рағбатлантириш. Бу ерда марказий ўринни рақобатни рағбатлантириш, ҳамда инновацион жараён иштирокчиларига ҳар хил молиявий субсидиялар ва имтиёзлар эгаллайдилар. Инновацион хатарларни давлат томонидан қисман ёки тўлиқ суғурталаш катта аҳамиятга эга.

3. Инновацион жараёнларнинг ҳуқуқий базасини яратиш. Нафақат ижтимоий ва технологик ўзгаришларга мувофик меъёрларнинг барқарорлиги ва ўз вақтида тузатиш киритилишини таъминловчи зарурий қонунларни, балки уларга риоя қилишнинг ҳақиқий амалдаги механизмларини шакллантириш муҳимдир. Илмий-техник маҳсулотларни яратувчилар ва иноваторлар ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоялаш алоҳида ўринга эга.

4. Инновацияларни ходимлар билан таъминлаш. Давлат ўқув юртларидаги ўқиш дастурларининг мазмуни инновациялар генераторларининг ижодий салоҳиятини ривожланиши ва ҳам мутахассисларни янгилик киритишларни қабул қила олишига кўмаклашиши керак. Инновацион инфратузилмани шакллантириш.

5. Давлат ахборот тизимлари – янгиликларни тарқатишнинг асосий каналларидан бирининг фаолиятини таъминлайди, иноваторларга юридик маслаҳат ва бошқа хизматларни кўрсатади. Давлат яна инновацион субъектлар ўртасида воситачи бўлиши, уларга шерикларни қидириб топиш, давлат кафолати остида битимлар тизимиюда ёрдам кўрсатиши мумкин.

6. Инновацион жараёнларни институционал таъминлаш. Бу ерда асосийси давлат сектори (мудофаа, соғлиқни сақлаш, таълим) соҳаларида ИТТКИ бажарувчи ва янгилик киритишларни амалга оширувчи давлат ташкилотлари ва бўлинмаларни ташкил қилишдир.

Давлат яна иқтисодиётда инновацияларни маҳсулотлаштириш ва тақдим этиш нуқтаи назаридан энг самарали ташкилий тузилмалар (йирик корпорацилар, кичик бизнес ва ҳ.к.) тарқатишга кўмаклашади.

7. Инновацион фаолиятнинг ижтимоий мавқеини ошириш. Давлат илмий – техник ютуқлар ва янгиликларни тарғибот қилиш, инноваторларни маънавий рағбатлантиришни ташкил қилади, уларнинг социал ҳимоясини таъминлайди ва ҳ.к.

8. Инновацион жараёнларнинг халқаро жиҳатларини тартибга солиш.

## **2 БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ ВА УНИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ**

### **2.1. Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини инновацион ривожлантириш тажрибаси**

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида иқтисодиётни ривожлантириш учун ўзида фаннинг турли соҳаларини қамраб олган илмталаб ишлаб чиқаришни ривожлантириш стратегик вазифа сифатида қўйилмоқда. Ривожланган мамлакатларда яратилган миллий инновацион тизими иқтисодий ўсишни юқори суръатларга кўтараётганлигини уларнинг бугунги иқтисодий ижтимоий кўрсаткичларида яққол ўз ифодасини топаётганлигини кўришимиз мумкин. Уларнинг бой тажрибаларини ўрганиб, айрим жиҳатларини миллий иқтисодиётимизни янада юксалтириш мақсадида фойдаланиш эса ижобий натижа бериши мумкин. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, “Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация жараёнларини чуқурлаштириш юксак технологиялар, инновацияларни талаб қилиниши биз ўзимизга яхши тасаввур қиламиз. Жаҳон тажрибаси, юксак даражада тараққий этган мамлакатлар тажрибаси бу ҳақиқатни қайта-қайта исботламоқда”.

Австриялик олим Й. Шумпетернинг фикрича, иқтисодий фаолиятга айнан инновацион ёндашув – ҳар бир давр иқтисодий тизимининг ривожланиш даражасини белгилаб беради. Унинг таълимоти кўра иқтисодий ўсишга кичик бизнес, тадбиркорликни ривожлантириш орқали эришиш мумкин.

Яна бир гуруҳ иқтисодчи олимлар иқтисодий фаровонлик бўйича ўз тадқиқотларида, ривожланаётган мамлакатлар инновациялар ҳисобидан жадал иқтисодий юксалишининг ички омилларини кўрсатиб бердилар. Улар Шумпетер ғоясига зид бўлган ўз қарашларида трансмиллий компаниялар, яъни

йирик компаниялар иқтисодий ўсишни таъминлашда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашган.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти тарихи ва бугунги кунга назар ташлайдиган бўлсак, инновацион ривожланишни таъминлашга ижобий таъсир кўрсатган омиллардан бири илмий тадқиқот тажриба конструкторлик ишларига (ИТТКИ) доимий ажратиб туриладиган ҳаражатлар эканлигини англаш мумкин. Дунё бўйича ИТТКИ га қилинадиган ҳаражатларни қўйидаги диаграммада (2.1-диаграмма) кўришимиз мумкин:

**2005-2015 йилларда дунё бўйича ИТТКИга қилинган ҳаражатларнинг ўсиш динамикаси (миллиард АҚШ доллариди).<sup>8</sup>**

**2.1-диаграмма.**



Диаграммадан кўриниб турибдики, дунё бўйича ИТТКИ га қилинган ҳаражатлар 2005 йилда 400 млрд. доллар бўлса, 2015 йилга келиб 680 млрд. долларни ташкил қилган. Ҳаражатларнинг 10 йиллик ўртача ўсиш суръати эса


<sup>8</sup> [www.businesspress.ru](http://www.businesspress.ru)

5,4 фоизни ташкил этган бўлиб, ўсиш тенденциясига эга бўлганлигини кўришимиз мумкин.

Буни соҳалар бўйича тақсимотиغا назар ташлайдиган бўлсак, ИТТКИ да компьютер ва электроника саноатига қилинган ҳаражатлар юқори бўлиб 25% ёки 166 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди, аммо 2015 йилда 0,7% га пасайиш тенденцияси кузатилди. ИТТКИ да соғликни сақлаш соҳасига қилинган ҳаражатлар 6 фоизга ўсди ва 145 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Прогнозларга кўра мазкур соҳа 2019 йилга келиб ИТТКИ ҳаражатлари энг юқори даражада сарфланадиган тармоққа айланади (2.2-диаграмма).

## 2.2-диаграмма.

### ИТТКИ ҳаражатлар йўналишлари (миллиард АҚШ доллариди) <sup>9</sup>



2007 – 2015 йиллар мобайнида Жанубий Корейнинг инновацион индекси ўсиш суръати Европа Иттифоқига нисбатан икки марта ошди. Буни қуйидаги диаграммада кўришимиз мумкин (2.3-диаграмма):


2015 йил бошига келиб эса Жанубий Корея жаҳондаги 50 та энг иқтисоди инновацион ривожланган давлатлар рейтингда биринчи ўринни эгаллади. 2015 йил Самсунг компаниясида қилинган ИТТКИ ҳаражатларининг салмоғи

<sup>9</sup> [www.businesspress.ru](http://www.businesspress.ru)

юқори бўлиб, ушбу компания жаҳонда етакчилик қилмоқда. Жанубий Кореяни ютуқларини таҳлил қилсак, дастлаб иқтисодийни модернизациялаш турли кўринишдаги чет эл технологияларини ўзлаштириш ҳисобига (шартномалар, лицензиялар, маслаҳат хизматлари шулар жумласидандир) ташкил қилиниб амалга оширилди.

### 2.3- диаграмма.

2007-2015 йиллар жаҳондаги инновацион индекснинг ўсиш суръати.<sup>10</sup>



Хориж тажрибасини ўрганиш орқали, Япония билан ҳамкорликда кўшма венчур фирмалари ташкил қилинди. Жанубий Кореянинг инновацион ривожланишида йирик корпорацияларни (чэболлар) қўллаб қувватланиши алоҳида аҳамиятга эга.

Буюк Британияда 2000 йиллар бошларидан инновацияларни рағбатлантириш ва ривожлантиришга қаратилган марказлаштирилган мақсадли сиёсат олиб борилди, 2003 йилда эса савдо ва саноат вазирлиги

<sup>10</sup> [www.businesspress.ru](http://www.businesspress.ru)

томонидан технологик соҳани ривожлантириш стратегияси қабул қилинди. 2004 йилда эса технологик стратегия бўйича кенгаш тузилиб, инвестициялар янги технологияларни вужудга келтириш, қўллаб қувватлаш ва тижоратлаштиришни амалга ошириш учун йўналтирилди. Узокқа мўлжалланган инновацион ривожланиш стратегияси 2008 йилда нисбатан тўлиқ шакллантирилди. Буюк Британияда илм-фан ва юқори технологияларни давлат томонидан қўллаб қувватлашда илмий изланишлар ва ишланмалар билан шуғулланувчи ташкилотларга нисбатан қўлланиладиган солиқ имтиёзлари асосий механизм бўлиб ҳисобланади. Айтиб ўтилган кўмак механизмидан ташқари Буюк Британияда инновацион фаолият юритувчиларга инфраструктура базасини яратиш, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни яратиш ва кўмак бериш фаол йўлга қўйилган.

АҚШ иқтисодиётида инновацион ривожланишга ўтишга шароит яратишда илмий ташкилотлар томонидан олинган натижаларни тижорат йўлида ишлатишни осонлаштиришга қаратилган чора-тадбирларга катта эътибор қаратилди. АҚШда 1980 йилларда қабул қилинган «Бей-Доул» (The «Bayh-Dole Act») ва «Стивенсона-Уайдлер» қонунлари (The «StevensonWydler Act») инновацион фаолиятда катта ҳисса қўшди. Иккала қонуннинг мақсади давлат молияси ҳисобидан олинган илмий-текшириш ишлари натижаларини шахсий секторда ишлатишга кенг шароит яратишдир. Шунингдек, АҚШда бизнес ва илмий-текшириш ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни енгиллатишга қаратилган кўпчилик ташкилотлар мавжуд. Фундаментал фан ва инновацион фаолиятни молиялаштириш билан шуғулланувчи эталон жамғарма сифатида АҚШ миллий илмий фонди (NSF) халқаро эътирофга сазовор бўлган. Ушбу тузилма эллик йилдан ортиқ вақт мобайнида муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда. Икки дастур - Кичик бизнес инновацион тадқиқотлари дастури SBIR ва Технологияларни кичик бизнесга етказиш дастури STTR мисолида АҚШда давлат томонидан илмий ва

инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг мантиқий моҳиятини кузатиш мумкин.

Германиянинг инновацион сиёсатининг ўзига хос томони бўлиб илмий тадқиқотларни ва инновацион фаолиятни молиявий қўллаб қувватлашга давлат томонидан кўмаклашуви ҳисобланади. Айнан давлат илмий тадқиқотларни йўналтиришда катта роль ўйнайди: олий таълим даргоҳларидаги илмий тадқиқотларни 80%гача бешта йирик илмий жамиятлар томонидан бериладиган грантлар ҳисобига олиб борилади. 1950 йилларда Германияда инновацион субъектларни молиялаштиришнинг бошларида илк венчур фондлари пайдо бўла бошлади. Бу фондлар кичик бизнес компанияларини ривожлантиришга йўналтирилди. Илмий-тадқиқот соҳасида давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги борасида қабул қилинган дастурлар ижобий натижа берди. 1970 йили ИТТКИга давлат бюджетидан ажратилаётган харажатлар 70 %га қисқарган бўлса, ҳозирда 30 %га камайганини кўриш мумкин. Германия инновацион тизимида ихтироларни рўйхатга олишни соддалаштирилган тартиби алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, 1977 йилларга қараганда патентлар сонини 20 баробарга кўпайгани бунга мисол бўла олади.

Финляндия инновацион ривожланишида 1980 йилларда ташкил этилган Sitra инновацион фонди венчур молиялашда муҳим ўрин тутди. Ушбу фонднинг мақсади бўлиб иқтисодни рақобатбардошлигини ривожлантириш, иқтисодни барқарор ривожланишини, мамлакатда ишбилармонлик фаолиятини кучайтириш ва Финляндия корхоналарини халқаро ҳамкорлигини кучайтириш хизмат қилади. Финляндия миллий инновацион тизимининг давлат сегментида иккита ҳал қилувчи вазирликларни бўлиши катта аҳамият касб этади. Таълим ва маданият вазирлиги илм бўйича сиёсатга жавоб берса, Финляндия академияси эса илмий текширишларни молиялаштиришга йўналтириш учун асосий механизм ҳисобланади. Бандлик ва иқтисодиёт вазирлиги техник ва инновацион сиёсатга масъул бўлиб, молиялаштиришга йўналтириш учун асосий механизм Tekes хизмат қилади. Tekes агентлиги

мамлакатни ривожлантиришда муҳим институт саналиб, изланувчилар ҳамжамиятини, саноат ва сервис секторларини қўллаб қувватлайди. Tekes ҳар йили Финляндиядаги 60%дан кўп инновацион лойиҳаларни молиялаштиради, уларнинг 80%и самарали натижага эга бўлди. Шунингдек Финляндияда технополис яратишга катта аҳамият берилган, дунёдаги йирик ва биринчилардан бўлган, дунёда ўзининг ўлчамлари билан лол қолдирган “Технополис” тармоғи яратилган. “Технополис” тармоғида 18 та илмий ва технологик парклар киради ва улардан 2 таси мамлакат ташқарисида жойлашган.

Хитойнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга қаратилган ислохотлар 1978 йилда бошланиб, давлатнинг келгусидаги тараққиёти учун ғоят катта имкониятлар яратди. Хитой ҳам Япония каби ўзининг инновацион ривожланишининг чет элдан патентлар, лицензиялар харидидан бошлаб замонавий саноат тармоғини шакллантиришга муваффақ бўлди. Хитойда инновацион иқтисодиётга ўтиш режаси босқичма-босқич моделга асосланиб, ушбу жараёнда қуйидаги босқичлардан ўтилди: **1-босқич** - 1978-1984 йиллар, бу этап яширин жараён деб номланди ва шу даврда ҳудудий инновацион тизим асослари яратилди;

**2-босқич** – 1985 – 1995 йилларни ўз ичига олиб унда ҳудудий инновацион тизим ривожланди;

**3-босқич** 1996 йилдан бошланиб регионал инновацион тизимларни такомиллаштириш шаклида ҳозиргача давом этмокда.

Хитойда бозор иқтисоди, унинг механизмлари тобора ривожланмокда ва такомиллашмокда, бозор рақобати ва ҳамкорлиги муҳити кучаймокда. Корхоналар ҳамкорлик ва меҳнатни тақсимлаш муаммоларига тобора кўпрок аҳамият беришмокда. «Ишлаб чиқариш – университет фаолияти – илмий изланишлар» занжирига асосланган ҳамкорлик янада кўпрок тарқалиб кенгаймоқда. Корхоналарнинг мустақил инновацион фаолияти регионал

инновацион тизимларни тезликда такомиллашувига ва яратилиши тугалланишига имкон бермоқда.

Хитойнинг инновацион ривожланишининг ўзига хос тамойили чет элдан инвестицияларни жалб қилиш ва тайёр технологияларни харид қилиш, ишлаб чиқаришга татбиқ этишдан ўзининг хусусий инновацияларини яратиш ва юқори технологияли брендларни вужудга келтиришга устуворлик берганлигида ҳам кўринади. Стратегик «2006 – 2020 режаси» ҳукуматнинг хитойча ўсиш моделини шакллантириш, инновацияларни бўлғуси иқтисодий тараққиёт пойдеворида айлантиришга уриниши бўлди.

Ҳиндистонда иқтисодни инновацион ривожлантиришда керакли инфратузилма яратиш, техник, информацион ва услубий ёрдам кўрсатиш, шунингдек давлат молиялаштиришини жалб қилиш орқали инновацион фаолият таваккалчилигини камайтиришга асосий эътибоор берилди. Компанияларга фаолиятини кенгайтириш босқичида 1996 йилда Ҳиндистон ҳукумати томонидан тузилган технологик ривожланиш Кенгаши кўмак беради. Ҳиндистон инновацион тизимини асосий элементларидан бўлиб технологик парклар ва инкубаторлар ташкил қилади. Ушбу ташкилотларни қўллаб қувватлаш давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири қилиб белгиланган.

Ҳиндистон ҳукуматида илмий-технологик парклар яратиш, илм ва технологияларни қўллаб қувватловчи махсус Агентлик фаолият курсатади. Ҳиндистонда инновацион фаолиятни амалга ошириш учун умумий ҳуқуқий базани яратишга катта аҳамият берилмоқда ва натижада 2008 йилда Ҳиндистон ҳукумати инновациялар доирасида “Миллий инновацион акт” қонунини қабул қилди. Мамлакатда фаолият юритаётган 45 та технопаркларда ишлаб чиқарилиб экспорт қилинаётган 80 фоиз маҳсулотлар ахборот технологиялари соҳасига тегишлидир. Дунёнинг етакчи 300 дан ортиқ трансмиллий корпорациялар компьютер дастурлари бўйича ишланмаларини олиб киришиб амалиётга жорий қилишмоқда. Қуйидаги жадвал Ҳиндистон

иқтисодиётида ахборот коммуникацион тизимлардан олинаётган фойдани яққол кўрсатади (2.1- жадвал):

## 2.1-жадвал

### Ҳиндистонда ахборот коммуникацион тизимларини фойдаси (миллион АҚШ доллари ҳисобида)<sup>11</sup>

Соҳа сегменти	2014	2015	2016
<i>1</i>	<i>2</i>	<i>3</i>	<i>4</i>
Компьютер қурилмалари ишлаб чиқариш	21,517	24,228	26,674
Маълумотлар базалари тизими	2,275	2,369	2,451
Дастурий таъминот	4,078	4,650	5,250
Ахборот коммуникация технологиялари хизмати	11,441	13,234	15,217
Телекоммуникациялар тизими хизмати	27,747	28,905	29,502
<b>Жами</b>	<b>67,058</b>	<b>73,386</b>	<b>79,094</b>


Хитой ва Ҳиндистон иқтисодиётининг инновацион ривожланиши нафақат давлатларни ўзини ривожланишига, балки минтақада ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Масалан, дунё бўйича 2015 йилда корпорациялар томонидан ИТККИга сарфланган харажатларни 35 фоизи Осиё минтақасига тўғри келди ва Шимолий Америка (33%) Европадан (28%) ўзиб кетди (2.4-диаграмма).

## 2.4- диаграмма.

### 2007 – 2015 йилларда минтақаларда корпорациялар томонидан

<sup>11</sup> [www.bloomberg.com](http://www.bloomberg.com)

киритилган ИТТКИга харажатларни ўзгариши (миллиард АҚШ долларарида)<sup>12</sup>.



Бу ҳолат 2007 йилдаги маълумотларни тўлиқ акси бўлиб, унда Европа минтақаси биринчи ўринда, Осиё эса учинчи эди. Осиё минтақасида Хитой ва Ҳиндистоннинг ўрни эса юқори даражада сақланиб турибди.

Ривожланган мамлакатлар миллий инновацион ривожланиш тизимини айрим жиҳатларини таҳлил қилиш асосида хулоса қиладиган бўлсак, дунёда мавжуд механизмларни умумий ва ихтисослашган гуруҳларга бўлиш мумкин. Умумий механизмларга институционал муҳитга таъсир қилувчилар, махсус механизмларга эса иқтисодиётни алоҳида соҳаларига йўналтирилган механизмлар киради. Улар жумласига таълим, меҳнат бозори, халқаро савдо бўйича сиёсат ва бошқаларни киритиш мумкин.

Юқорида кўриб ўтилган давлатлар муаммоларни ечишда ўзларини вариантини топишди: қайси бир давлатда илмий ишланмаларга давлат фаол кўмагини беришга асосий эътибор берилса, бошқасида эса янгилик яратувчиларга солиқ имтиёзлари бериш биринчи ўринда, ихтироларни муаллифлари – инновацион маҳсулот яратувчиларини қўллаб қувватлашга ҳам ҳар хилда ёндашувлар мавжуд. Хорижий давлатларни умумлаштирилган

<sup>12</sup> [www.businesspress.ru](http://www.businesspress.ru)

тажрибаси компаниялар инновацион фаолиятида давлатларни тўғридан-тўғри ёки билвосита иштироки, шунингдек билвосита кўмаклашув ва инновацион инфраструктурани яратиш орқали муаммоларини ҳал этилаётганлигини билишимиз мумкин.

Инновацион ривожланишни негизида иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида миллий инновацион тизимни ташкил қилиш ва ривожлантириш учун қуйидаги омиллар ижобий таъсир кўрсатиши мумкин:

- давлатнинг аниқ мақсад ва вазифаларни ўзида мужасамлаштирган узоққа мўлжалланган ва изчил амалга ошириладиган инновацион сиёсати;
- тизимли равишда хусусий, илмий-тадқиқот ва таълим секторларини ўзаро ҳамкорлигини амалга ошириш;
- инновацияларни тижоратлаштиришга қаратилган дастурларни ривожлантириш;
- технопарклар, венчурли молиялаштириш, инновацион марказларнинг барпо этилиши;
- тизимли равишда энг яхши халқаро тажрибаларни ўрганиш ва жорий қилиш.

Демак, ривожланган мамлакатлар инновацион ривожланиш тизимини таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келиш мумкинки, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва мамлакат рақобатбардошлигини ошириш учун миллий инновацион тизимни ташкил қилиш ҳамда уни доимий такомиллаштириб бориш зарур. Кўпгина моделларга эътибор берган бўлсак, баъзи инновацион тизимда қисман, баъзиларида эса тўлиқ давлатнинг ўрни борлигини кўришимиз мумкин. Умумлаштириб айтишимиз мумкинки, мамлакатларнинг инновацион ривожланишига ўтишида бепул таълим (Германия), илм-фанга қилинган юқори ҳаражатлар (Германия, Финляндия) каби дастлабки шартлар муҳим аҳамиятга эга. Маълум бир вақт давомида жадаллик билан инновацион

ривожланиш йўлига ўтган давлатлар (Хитой, Жанубий Корея) тажрибасидан самарали фойдаланиш орқали юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш мумкин. Босқичма-босқич олиб борилган иқтисодий сиёсат ҳам мамлакат ички ва ташқи имкониятларига кўра амалга оширилиши мақсадга мувофиқ эканлигини англаб олиш мумкин.

Жаҳон тажрибасига суянган ҳолда айтишимиз мумкинки, кичик инновацион корхоналарни ҳам, йирик компанияларни қўллаб қувватланиши орқали ҳам ижобий натижаларга эришиш мумкин. Улар ўзаро бир-бирини тўлдирган ҳолда жипсликда фаолият юритиши мақсадга мувофиқдир. Жаҳон тажрибасидан кўришимиз мумкинки, дунёда инновацион иқтисодиётни барпо этишни ягона модели мавжуд эмас. Ҳар бир мамлакат билимлар асосидаги иқтисодиётга ўтишнинг ўз ривожланиш моделини танлаб олган. Бир неча юз йиллар давомида товар-пул муносабатларини бошидан кечирган дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида ҳам инновацион иқтисодиётга ўтиш масаласи ўз-ўзидан қисқа вақтда амалга оширилмаган.

## **2.2. Ўзбекистон иқтисодиётнинг етакчи тармоғи корхоналари инновацион салоҳияти кўрсаткичлари таҳлили**

Реал сектор корхоналарининг инновацион лойиҳалари салоҳияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш жараёнида унинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганилади. Улар ишлаб чиқариш муносабатлари, хўжалик юритиш механизми, шакллари ва меҳнатни ташкил этиш жараёнларида намоён бўлади. Жамият тараққиётининг қонуниятларига кўра, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бир текисда давом этмасдан, қуйидан юқorigа, оддийликдан мураккаблик томон юксалиш тамойилларига асосланади. Бу эса тараққиётнинг универсал қонуниятларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир замон иқтисодиёти ўзининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тузилмасига асосланади.

Иккинчи томондан эса, бу иқтисодиёт ишлаб чиқариш воситалари, инновацион техника ва технологияларга эга бўлади. Айнан мазкур икки жиҳат ҳар бир даврнинг иқтисодий ривожланишида ўзининг изини қолдиради ва ривожланиш даражасини белгилаб беради. Мазкур зиддиятларнинг мазмуни истеъмол билан ишлаб чиқаришнинг вақт нуқтаи назаридан мос келмаслигида, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқариш усулидан олдинда юриш каби ҳолатларда намоён бўлади. Жумладан, бу ҳолат иқтисодий трансформация жараёнларини вужудга келтиради, яъни ривожланишнинг бир босқичидан кейинги такомиллашган босқичига ўтишига моддий ҳамда техник-технологик асос яратади. Шунингдек, иқтисодий трансформация натижасида сифат, техник-технологик жиҳатдан олдинги тизимга нисбатан инновацион иқтисодиёт вужудга келади. Инновацион иқтисодиёт, бу – самарали инвестиция, рақобат механизми асосида тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривожланиши ва ишлаб чиқариш томонидан ихтиролар, янгиликлар ва кашфиётларни ишлаб чиқаришга тезкор татбиқ этишга лаёқатли иқтисодиётдир. Жумладан, жаҳон иқтисодиётини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида фан-техника тараққиёти орқали унинг намоён бўлиш шакли инновациялар ва илғор технологиялар ҳамда ижтимоий соҳадаги инновацион фаолият ҳисобланади.

Иқтисодиётда ишлаб чиқарувчи кучларни оқилона жойлаштириш ва уларнинг инновацион салоҳиятидан унумли фойдаланишни тақозо этади. Мамлакатда инновацион иқтисодиётга ўтишда, уни ривожлантиришда миллий инновацион тизим яратилиши зарурий шартлардан бири ҳисобланади. Миллий инновацион тизим, бу – инновацион фаолиятни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлашни амалга оширадиган субъектлар ва институтлар мажмуасидир.(2.3-жадвал)

### **2.3-жадвал.**

**Инновацион ривожланишга ўтиш заруратини белгиловчи омиллар ва**

### функционал вазифалар<sup>13</sup>

Омиллар	Функционал вазифалар
1	2
Иқтисодиётда даврийлик тавсифига эга бўлган молиявий-иқтисодий инқирозларнинг вақти-вақти билан содир бўлиб туриши	Жамиятда ижтимоий-иқтисодий тангликларнинг келиб чиқиши ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инқироздан чиқиш учун ўз фаолиятига ихтиролар ва янги ёндашувларни қўллашнинг долзарб масалага айланиши
Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик субъектларининг молиявий мустақиллиги ва рақобатбардошлигини таъминлаш	Бозор иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг рақобатдошлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш
Табий, иқтисодий ва минерал ресурсларнинг чекланганлиги	Ресурслардан тежамкорлик билан самарали фойдаланиш ва шу мақсадда замонавий технологиялар, стандартлар ишлаб чиқарилиши ҳамда ишлаб чиқаришнинг альтернатив усулларига ўтиш

<sup>13</sup> “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. июль-август 2016 йил

Аҳоли сонининг узлуксиз равишда ошиб бориши	Дунё, мамлакатлар аҳолисининг ўсиши, эҳтиёжларнинг табиий ва ўз-ўзидан узлуксиз ошиб бориш тенденциясининг вужудга келиши
Миллий иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги асосий фондларнинг эскириш даражасининг юқорилиги	Давлат ва миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлаш учун асосий фондларни янгилаш муддатларини қисқартириш орқали таркибий ўзгаришларни амалга ошириш

2.3-жадвалдан кўриниб турибдики, инновацион ривожланиш даражасини жамият ҳаётининг иқтисодий, ижтимоий ва инновацион фаолият соҳаларидаги айрим кўрсаткичларга қараб аниқлаш мумкин. Агар мамлакат

иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига давлат томонидан аралашув даражаси паст бўлса, бунда соғлом рақобат, мустақил инвестицион муҳит учун ҳуқуқий, иқтисодий, институционал шартшароитлар яратилган бўлади.

Жумладан, миллий хўжалик тармоқларидаги капитал оқимининг бир тармоқдан бошқасига ўтиши тезлашади. Шунингдек, бундай иқтисодиётда инновацион ривожланишнинг барча иқтисодий асослари яратилган бўлади.

Саноат корхоналарида инновацион салоҳиятни белгиловчи кўрсаткичларда, энг аввало, унинг инновация ривожланиш индикаторлари асосий ҳисобланади. Инновация ривожланиш индикаторлари иқтисодий, илмий ҳамда фаол инновацион фаолият соҳаларига бўлинган ҳолда ўрганилади. (2.1-расм)


Ижтимоий-иқтисодий глобаллашув шароитида инновацион ривожланишнинг учта асосий моделини қайд этиш мумкин:

1. Макромиқёсда илмий ишлаб чиқариш даврининг барча босқичларини ўзида мужассабаб этган мақсадли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш модели (АҚШ, Англия, Франция).

2. Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини мўътадил инновацион муҳит яратиш орқали оптималлаштириш, янгилик ва ихтироларни кенг тарқатишга ихтисослашган модел (Германия, Швеция, Швейцария).

**2.1-расм.**

**Инновация ривожланиш индикаторлари<sup>14</sup>**



3. Иновацион инфратузилмани ривожлантириш орқали янгиликлар яратишни рағбатлантирувчи модел (Япония, Жанубий Корея). Барқарор иқтисодий ўсишни сақлаб қолишни инновацияларсиз амалга ошириш мушкул вазифадир. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистонда инновацион

<sup>14</sup> “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. июль-август 2015 йил

ривожланишнинг биринчи моделида, яъни фан-техника тараққиёти ютуқларини иқтисодий амалиётга татбиқ этиш йўлидан борилди.

#### 2.4-жадвал

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига жалб қилинган ва тўғридан-тўғри**

**киритилган хорижий инвестициялар ҳажмининг йиллар бўйича динамикаси<sup>13</sup>**

Йил	Хорижий инвестициялар (млн. АҚШ доллари)	Тўғридан-тўғри киритиладиган инвестициялар (млн. АҚШ доллари)
1	2	3
2005	746,6	545,5
2006	895,7	683,8
2007	1009,3	768,4
2008	1700	1258
2009	2300	1800
2010	3200	2400
2011	2900	2320
2012	2700	2200
2013	3000	2000
2014	3250	2100
2015	3380	2175
2016	3450	2300

2.4-жадвал маълумотидан кўриниб турибдики, 2005 йилдан инвестиция лойиҳаларининг қўлланилиши асосида хорижий инвестициялар 823,9 млн. АҚШ доллар ажратилган, шундан тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестиция 96,5 млн. АҚШ долларга тенг бўлган. Шунингдек, ушбу кўрсаткич 2013 йилга келиб мос равишда 3000 млн. АҚШ доллар миқдорида хорижий инвестиция киритилган бўлса, унинг 2000 млн. АҚШ доллари тўғридан-тўғри киритилган хорижий инвестицияни ташкил этади.

Инновацион ривожланишнинг иккинчи моделидан ҳам фойдаланганда мамлакатда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлаш, бу орқали ички бозорни

<sup>13</sup> Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотлари

товар ва хизматларга тўйинтириш, рақобатбардош маҳсулотлар экспорт салоҳиятини кўтариш масаласи кўзда тутилган.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоғи ҳамда электр энергияси ва ахборот телекоммуникация тизимларига бўлган ҳолда инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Бу йўналишларнинг мақсади, асосан, барқарор иқтисодий ривожланиш жараёнини, шунингдек, бу йўналишларни шакллантирилиши ҳамда ривожланиши, ўз навбатида, стратегияларни ишлаб чиқишни талаб этади. Республика инновацион иқтисодиётни юксалтириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсифлар ишлаб чиқилган:

**1.** Миллий иқтисодиётда инновацион фаолликка эришиш, инновацион ривожланишни таъминлашнинг устувор йўналиши деб, республиканинг электр энергетика тизими, саноат ва унинг автомобильсозлик, машинасозлик, енгил саноат, кимё, нефть-газ соҳалари, қишлоқ ҳамда ахборот-телекоммуникация тизимларини ҳисоблаш мақсадга мувофиқдир.

**2.** Республика инновацион фаолиятини мувофиқлаштирувчи, рўйхатга олувчи “Инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни ташкил этувчи, инновацияларни мониторинг қилиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш агентлиги”ни ташкил этиш ва унинг ҳузурида махсус, мустақил “Инновациялар жамғармаси”ни таъсис этиб, унинг асосий вазифаси иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида юқори рискли, йирик инновацион лойиҳаларни хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда молиялаштириш, суғурталаш деб белгиланиши лозим.

**3.** Давлат томонидан самарали инновация сиёсатини ишлаб чиқиш, унинг амал қилиш механизмларини яратиш ва хўжалик юритувчи субъектлар ичида юқорида келтирилган мезонлар бўйича энг фаолларига янада қулайроқ шароит яратиш, рағбатлантириш учун имтиёзларни мутаносиб равишда кенгайтириб бориш зарур.

4. Худудий инновацион инфратузилмаларни барпо этиш жойларда юқори технологияли ишлаб чиқаришни кўллаб-қувватлаш инновацион фаолликни таъминлашнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Чунки инновациялар ва ихтиролар ҳамisha жамиятнинг ривожланганлик даражасидан олдинда юради. Республикада самарали, барқарор иқтисодий ўсишга эришишдаги мавжуд муаммолар таҳлили шуни кўрсатдики, мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган натижаларни кўлга киритиш билан бир қаторда бартараф этилиши лозим бўлган масалалар ҳам борлиги аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарори – “Ўзбекистон Республикаси саноатни 2011-2015 йилларда ривожлантириш Дастури тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 октябрдаги ПҚ-1623-сонли қарори – “Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш бўйича бирламчи чора-тадбирлар тўғрисида”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 мартдаги ПҚ-1512 сонли қарори – «Тўқимачилик саноати корхоналарини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўшимча чоралар тўғрисида» республика иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамият касб этди.

“Ўзбекенгилсаноат” ДАК таркибидаги ипакчилик корхоналари томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида компания таркибида 34 та ипакчилик корхоналари фаолият юритади, шундан 27 таси пиллани қайта ишлаш корхоналардир. Ипакчилик корхоналари томонидан 2015 йилда:

- саноат маҳсулотлари – 66,5 млрд. сўм (ўсиш сурати 113,1 %);
- халқ истеъмол моллари – 24,7 млрд. сўм (ўсиш суръати 105,7 %);
- хом ипак – 815,8 тонна (ўсиш суръати 108,7 %);
- ипакли газлама – 320,4 минг кв.м (ўсиш суръати 112,6 %) ишлаб чиқарилди. Ипакчилик корхоналари 8000 тонна пилла хомашёсини қайта ишлаш қувватига эга. 2016 йилда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги

хамда “Ўзбекенгилсаноат” ДАК томонидан тасдиқланган тақсимотга мувофиқ 6029 тонна курук пилла хомашёси ажратилди.

Бугунги кунда қуввати 3 млн.кв. ипакли газламалар ишлаб чиқариш бўйича Наманган шаҳридаги “Веригров ипаги” ХК, Бухоро шаҳридаги “Бухоро Бриллиант силк” ҚК, Тошкент вилоятидаги “Равнақ силк” ҚК, Наманган туманидаги “Голден Силк” ШК ва бошқа корхоналар томонидан дастгоҳларни келтириш ва ишга тушириш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Юқоридаги инновацион лойиҳаларнинг асосий мақсади экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бунинг учун, энг аввало, рақобатбардошликни ошириш юзасидан қилиниши мумкин бўлган ишлар асослаб берилган. Хусусан, республикада 2015 йил якунига кўра, модернизация дастури ҳамда жами 19600 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши натижасида 167 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Жумладан, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун умумий қиймати 876,7 млн. АҚШ доллар сарфланган. 2013 йилда амалга оширилган саноат йўналишидаги лойиҳаларда жами 949,8 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.(2.2-расм)

**2.2-расм.**

**Дастурга асосан барча йўналишлар бўйича 2015-2016 йиллар  
лойиҳаларининг солиштирма таҳлили<sup>14</sup>**

---

<sup>14</sup> Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчилари, туман ва шаҳарлар ҳокимлари иштирокида ўқув семинари. 2016 йил 27 январь – 17 февраль.



Ушбу расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, 2015 йилда жами 19600 инновацион лойиҳа амалга оширилган бўлса, 2016 йил учун эса 22302 та лойиҳа ажратилган. Уларнинг умумий қиймати 2015 йилда 3169,2 млн. АҚШ доллар, 2016 йилда 3850,0 млн. АҚШ долларини ташкил этган. Шунингдек, 167355 та янги иш ўрини шакллантирилди. Дастурга асосан барча йўналишлар бўйича лойиҳалар солиштирма таҳлили асосида бир кишига тўғри келадиган қиймати саноатда 26,2 минг доллар, хизмат кўрсатиш соҳасида 12,8 минг доллар, қишлоқ хўжалигида 9,0 минг долларга тўғри келган.

Хулоса қилиб айтиш жоизки, ҳозирги кунда республикада енгил саноат тармоқларининг ривожланиш даражаси қолган корхоналарга караганда бирмунча юқорирокдир. Республика саноат корхоналарининг кейинги даврдаги инновацион салоҳиятини бошқариш, молиявий-иқтисодий фаолияти куйидагиларни ривожлантиришга имкони яратмоқда:

- саноат корхоналарида инновацион қувватларни кенгайтириш ва янги қувватлар ташкил этиш;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, уларни қайта ишлаш ва сақлаш бўйича ишлаётган қувватларни кенгайтириш ва янги инвестициялар киритиш;

- ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтирган ҳолда саноат корхоналарида хомашё, материаллар, бутловчи буюмлар ва асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва бошқалар.

## **3 БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ ИННОВАЦИОН ПОТЕНЦИАЛИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ**

### **3.1. Ўзбекистонда давлатнинг илмий-техник ва инновацион сиёсатини такомиллаштириш йўналишлари**

Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг муваффақиятли ривожланиши инновацион салоҳият ва қулай шарт-шароитларнинг мавжудлиги билан бевосита боғлиқдир. Бундай ҳолатни баҳолашда ҳар қайси мамлакатнинг инновациялар бўйича индекси алоҳида ўрин тутди. Мазкур индекс эса қуйида баён этилаётган икки гуруҳ кўрсаткичлар бўйича йиғилган умумий баҳолар асосида ҳисобланади.

Биринчи гуруҳ-инновацияларни амалга ошириш учун мавжуд ресурс ва шароитлар:

- институтлар;
- инсон капитали ва тадқиқотлар;
- инфратузилма;
- ички бозор ва бизнеснинг ривожланиши.

Иккинчи гуруҳ - инновацияларни амалга оширишнинг амалий натижалари: - технологиялар ва иқтисодиёт ҳақидаги билимларни ривожлантириш; - креатив фаолият натижалари.

Яқуний индекс ҳаражатлар ва эришилган самара ўртасидаги нисбатни намоён этади ва бу ўз навбатида тадқиқотда қамраб олинган ҳар қайси

мамлакатдаги иновацияларни ривожлантириш борасидаги саъй-харакатларни холис баҳолаш имконини беради.

“Инссад” халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги “Иновацияларнинг глобал индекси” маърузасида кўрсатилишича дунёнинг 141 мамлакатидagi инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган. Ҳақиқатан ҳам биз учун ғоят қувончли томони шундаки, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон ушбу рейтинглар рўйхатида 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни эса 75,70 балл билан Ирландия банд этган. Дания, Янги Зеландия, Исландия, Белгия сингари бир гуруҳ ривожланган Европа ва бошқа қитъа мамлакатлари ушбу рўйхатнинг кейинги ўринларидан жой олган. Катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15-ўринни эгаллаган бўлса, дунёнинг энг кудратли давлатлари бўлмиш АҚШ 31-ўринни (61,34 балл), Хитой эса 67ўринни (52,23 балл) банд этган. Беларус 60,55 балл билан 36-ўринни, Россия 55,18 балл билан 55-ўринни эгаллаган. Собиқ совет худудидаги бошқа мамлакатлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар рейтингда қуйидагича жойлашган: Қозоғистон 69-ўрин, Қирғизистон 72-ўрин, Арманистон 85-ўрин, Грузия 87-ўрин, Озарбайжон 89- ўрин, Тожикистон 107-ўрин. Тадқиқотга биноан, таълим тизими ривожланишининг қатор кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон дунёдаги давлатлардан илгарилаб кетган. Хусусан, давлатнинг таълим тизими ривожи, мактабларни капитал қуриш ва янгилаш учун йўналтирилаётган сарф-ҳаракатлари, ўқувчиларнинг умумий сонига нисбатан ўқитувчиларнинг сони ва неча фоизни ташкил этиши соҳасидаги битирувчилар сони, GMAT, яъни ўқувчиларнинг бизнес мактабларида муваффақиятли таълим олиш қобилиятини аниқлаш учун стандартлашган тест

асосидаги ўқувчиларнинг ўртача баҳоси ва бошқа кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистоннинг натижалари бошқа мамлакатлардан юқори экани таҳлилий мисоллар орқали аён бўлади. Юқорида баён этилган тадқиқотда Ўзбекистоннинг бу борада эришган ютуқларининг асосий мезон ва омиллари ҳақида атрофлича фикр юритилади. Айниқса, инсон капитали ва тадқиқотлар учун инвестициялар, таълим ривожига қаратилган давлат ҳаражатларининг даражаси ва умуман, таълим тизимининг ҳолати Ўзбекистон ижтимоийиқтисодий тараққиёти ва инновацион салоҳиятнинг энг кучли томонларидан бири экани алоҳида таъкидланади. Ҳозирги кунда миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги ва инновацион фаолият (макродаражада) бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Масалан, инновацион салоҳиятни юқори технологияларни фойдаланишга мослаштирувчи яхши ривожланмаган олий таълим тизимисиз ва ҳамда ишланма ва тадқиқотларни молиялаштирувчи самарали амал қилувчи молия тизимисиз амалга ошириб бўлмайди. Адолатли рақобат шартшароитларининг мавжуд эмаслиги ва ривожланмаган товарлар бозори инновацион маҳсулотга бўлган барқарор талабни ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини оширишга рағбатларни таъминламайди ҳамда миллий инновацион тизимлар ва инфратузилмаларини, илмий-техник ишланмаларнинг тижоратлаштирилишининг ривожланмаганлиги уларни пировард истеъмолчига етиб боришига имкон бермайди. Давлатнинг илмийтехник ва инновацион фаолиятга муносабати ўз ифодасини давлатнинг илмийтехник ва инновацион сиёсатида топади. Бу сиёсат ушбу соҳада давлат ҳокимият органлари фаолиятининг мақсадлари, йўналишлари ва шаклларини белгилайди. Вақт ўтиши ҳамда фан ва техниканинг янада ривожланиши билан нафақат мамлакатларнинг ва бирлашмаларнинг инновацион ривожланиш концепциялари, балки фан ва техника соҳасида бевосита давлат устуворликлари ҳам ўзгаради. Масалан, ЕИда инсон ҳаётини узайтириш, жонзотлар ҳаётининг генетик табиати билан боғлиқ тадқиқотлар ишлаб чиқариш ва таълим жараёнларини ахборотлаштириш бўйича тадқиқотларни

суриб чиқармоқда. ИТТКИни тўғридан-тўғри молиялаштириш (давлат илмий лабораториялари фаолиятини ташкил қилиш ва қўллаб-қувватлаш, олимларга беғараз субсидиялар, давлат буюртмалари ва х.к.) билан бир қаторда давлат мамлакат корхоналарининг инновацион фаолиятини рағбатлантириш вазифасини ҳам бажаради ва бунда қуйидаги асосий аралашув шаклларидадан фойдаланади:

- солиқ имтиёзларини тақдим этиш;
- ИТТКИ харажатларини маҳсулот таннархига киритишга рухсат бериш;
- тадқиқот ишларини имтиёзли кредитлаш;
- йирик илмий-техник лойиҳаларни молиялаштиришда улушли катнашиш; - илмий асбоб-ускуналар ёки улар қисмларининг жадаллаштирилган амортизация меъёрларини ўрнатиш;
- давлат мол-мулкани ёки ерини текинга ёки имтиёзли шартларда бериш йўли билан минтақаларда инновацион корхоналарни ёки илмий инфратузилмани ташкил қилишга кўмаклашиш.

Илмий билимларни ва технологик ноу-хауларни ишлаб чиқариш бир нечта мамлакатлар ҳудудида амалга оширилаётган битта лойиҳа доирасидаги тадқиқотларга тобора кўпроқ боғлиқ бўлмоқда. ИХРТ ҳужжатларида кўрсатилишича, илмий-техник соҳани байналмилаллаштириш жараёнларида мамлакатнинг иштирок этиш даражасига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- мамлакатнинг катталиги (одатда кичик мамлакатларнинг илмий-техник соҳаси кўпроқ байналминаллашган);
- технологик жиҳатдан жиҳозланганлик;
- илмий-техник жараёнларга фаол жалб қилинган минтақаларга географик яқинлик;
- саноат ихтисослашуви;
- хорижий филиалларнинг мавжудлиги ва х.к.

Байналмилаллашув шунингдек трансмиллийлашув йўли билан ҳам амалга ошади. Агар илгари ТМКлар ишлаб чиқариш бўлинмаларини очиш орқали фақат ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашувига кўмаклашган бўлсалар, ҳозирги вақтда улар илмий-тадқиқот жараёнини қабул қилувчи мамлакатларга кўчириш билан шуғулланмоқдалар. Ушбу жараёнлар МДХ мамлакатларида ҳам фаол кечмоқда. МДХ мамлакатлари орасида Россия ТМКларининг инвестицион-инновацион фаолияти айниқса кучли ривожланмоқда. Улар экспансиясининг анъанавий ва истиқболли йўналиши МДХ мамлакатлари ҳисобланади, чунки бунда тарихан шаклланган хўжалик муносабатлари, географик яқинлик, сотув бозорлари сифими, шунингдек компаниялар фаолиятини байналминаллаштиришнинг истеъмол бозорлари тафовутлари, институционал тузилмалар, технологик даража, маданий ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ минимал тўсиқлари қулай шарт-шароитларни вужудга келтиради. Россия ТМКларининг МДХ мамлакатларидаги ТХИнинг асосий соҳалари бўлиб, минерал-хомашё мажмуаси, телекоммуникациялар тармоғи ҳисобланади;

Ҳамдўстлик мамлакатлари бозорига чиқиш усули бўлиб эса маҳаллий компанияларни қўшиб олиш хизмат қилади. Россия ТМКларининг хусусияти шундаки, улар СССР тарқалиб кетганидан сўнг кескин қисқарган МДХнинг илмий-тадқиқот салоҳиятини тиклашга, миллий инновацион тизимнинг шаклланишига ва уларнинг Ҳамдўстликнинг ягона инновацион маконига интеграциясига кўмаклашади. Илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ва очиқ инновацион жараёнлар моделини амалга оширувчи Россия ТМКлари қаторига ОАО «Газпром», ОАО «РУСАЛ», ОАО «ГМК «НорНикель», ОАО «ЛУКОЙЛ» киради. МДХ мамлакатларида собиқ иттифоқдош шериклар билан илмий-ишлаб чиқариш кооперацияси глобаллашув шароитида минтақа мамлакатлари ва корхоналари рақобатбардошлигининг кучли салоҳиятини таъминлаши мумкин. Шу билан бирга фақат СССР даврида мавжуд бўлган аввалги ишлаб чиқариш ва

илмийтадқиқот алоқаларинигина тиклаш хато бўлар эди. Минтақада янги инновацион асосда интеграцион жараёнларни жадаллаштириш замонавий давр талаби ҳисобланади. Ушбу кенг мақсадга эришиш учун давлатларнинг мувофиқлаштирувчи ва рағбатлантирувчи фаолияти зарур. МДХнинг Иқтисодий кенгаши 2001 йил июнида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг 2005 йилгача бўлган давр учун Давлатлараро инновацион сиёсат концепциясини тасдиқлади. Мазкур концепцияда қуйидаги устуворликлар белгиланди:

- ишлаб чиқариш рақобатбардошлигини ва унинг технологик даражасини ошириш;
- инновацион маҳсулотнинг бирлашма мамлакатларининг ташқи ва ички бозорларига чиқишини таъминлаш;
- импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни ривожлантириш ва шу асосда барқарор иқтисодий ўсиш негизини яратиш.

Мақсадларни аниқлаштириш учун қатор вазифалар қўйилди. Концепция шунингдек давлатлараро инновацион сиёсатнинг мақсадларига эришиш ва вазифаларини ҳал қилиш учун фойдаланиладиган усуллар, шу жумладан қуйидаги усуллар тавсифини ўз ичига олади:

- илғор технологияларни кенг кўламда ўзлаштириш ва илмталаб маҳсулот турларини яратиш учун институционал ва қонуний шароитларни шакллантириш;
- инновацион фаолиятнинг меъёрий-ҳуқуқий таъминотини ва уни рағбатлантириш механизмларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш;
- илмталаб технологияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ва ишлаб чиқариш-технологик қайта қуришларни рағбатлантиришнинг устуворлигини таъминлаш;
- МДХ мамлакатлари корхоналарига ҳам ички, ҳам ташқи бозорларда рақобат устунлигини таъминловчи технологияларни аниқлаш ва

қўллаб- қувватлаш, шунингдек миллий илмий-техник ишланмаларни ўзлаштирувчи корхоналарни рағбатлантириш;

- МДХ мамлакатларининг юқори марказлашган илмий-техник салоҳиятга эга минтақаларини, шунингдек бу соҳада орқада қолаётган минтақаларини инновацион ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- ИТТКИ натижаларини тижоратлаштиришни таъмиловчи инновацион инфратузилмани кенгайтириш;

- илмий-техник соҳада венчур молиялаштириш тизимини ривожлантириш;

- кичик корхоналарни яратиш ва фаолият юритиши учун қулай шароитларни шакллантириш йўли билан кичик инновацион тадбиркорликни ривожлантириш ва х.к.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш уни замон талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардош, дунёнинг энг илғор техника-технологиялари билан таъминланган тармоқларини яратиш олдимизга қўйилган устуворликлардан бири ҳисобланади. Бу ишларни амалга оширишда дунёнинг қудратли ТМКларни жалб қилиш асосий масаладир. ТМКларни иқтисодиётимизга жалб қилиш орқали уларнинг илғор техникатехнологияларини, шунингдек, менежмент, маркетинг, ишлаб чиқаришни самарали ташкил қилиш тажрибалари олиб кирилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг етакчи ТМКлар, шу жумладан, МДХ мамлакатлари ТМКлари билан инновацион-инвестицион ҳамкорлиги мамлакатда технологик инновация жараёнларининг тезлашувига ҳам олиб келиши мумкин. Бу эса Ўзбекистонда техник тараққиётнинг ички омиллари учун жуда катта имкониятлар яратади. Шунингдек, ТМКлар мамлакатимиздаги мавжуд бандлик муаммоларини бартараф этишда ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон иқтисодиётини узоқ муддатли

ривожланишининг мақсади ва устувор йўналишлари жаҳоннинг ўртача ривожланган мамлакатлари қаторига кириш масаласи билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов томонидан белгиланган иқтисодий сиёсат стратегиясига мос келади. Ўзбекистон иқтисодиётини узоқ муддатли истиқболда рақобатбардошлигини ошириш учун қуйидаги йўналишларга кучларни ва ресурсларни қаратиш лозим:

- иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, ЯИМда моддий ва энергия сиғимини 2 баробар пасайтириш ҳисобига мамлакат иқтисодиётини сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиши орқали иқтисодий ўсишнинг барқарор юқори даражасини таъминлаш (8%);

- модернизациялашнинг биринчи навбатдаги объекти бўлиб инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлашга қодир таркиблар, давлат таълим стандартларига риоя қилиш, инновация инфратузилмаси ривожланиши учун зарур бўлган қулай инвестицион муҳит ва бошқа барқарор иқтисодий ўсиш элементлари бўлиши лозим;

- ўта янги маҳсулот турлари ва юқори технологияларни ишлаб чиқишни ўзлаштириш асосида ташқи бозорда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

- саноат ишлаб чиқариши, биотехнология, информатика ва нанотехнологиядаги янги кашфиётларни қўллашга асосланган ҳамда миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида катта салоҳиятга эга бўлган энергия ва сув тежайдиган технологияни жорий этиш;

- миллий иқтисодиётни жаҳон молиявий-иқтисодий тизимиغا интеграциялашувини чуқурлаштириш, уни ташқи иқтисодий бозор конъюктурасига боғлиқлигини пасайтириш учун ташқи бозорда рақобатбардош тайёр маҳсулотлар улушини ошириш ҳисобига экспорт таркибини диверсификациялаш;

- мамлакатнинг ёқилғи-энергетик балансини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, чунки иқтисодий энергия таъминотида табиий газнинг улуши меъёрдан анча юқори кўрсаткичга эга бўлгани учун истиқболли энергия тежовчи технологияларни фаол ишлаб чиқиш ва халқаро айирбошлаш, энергиянинг муқобил манбаларидан кенг фойдаланиш зарур.

Ушбу йўналишлар қаторида иқтисодий модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, иқтисодий ўсишнинг инновацион омилларини ошириш, модернизациялаш жараёнида инновацион маҳсулотга бўлган талабни таъминлаш каби вазифалар алоҳида аҳамият касб этади.

### **3.2. Ўзбекистон Республикасида инновацион фаолиятни ривожлантириш истиқболлари**

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, тадбиркорлик ва рақобатни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг асосий ва устувор вазифаларидан бири - хусусий сектор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ва таъминлашдан иборат. Инновацион ривожланиш давлатларга жаҳон иқтисодиёти етакчилигига чиқиш, халқаро бозорларда рақобатчилик курашида бардош бериш ва ғолиб бўлиш имконини беради. Мамлакат иқтисодиётининг ривожланишида сифат ўзгаришларини таъминлаш учун нафақат мавжуд технологияларга суяниш, балки инновацион фаолиятни самарали қўллаб-қувватлаш тизимини яратишга ҳам аҳамият қаратиш лозим. Агар, биринчиси ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашиш имконини берса, фақат фаол инновацион фаолиятгина ушбу муваффақиятнинг узок муддатини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти барқарор ўсиши ва аҳолисининг турмуш фаровонлиги ҳал қилувчи даражада мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш асосида тўпланган ақлий ва технологик салоҳиятни динамик равишда ўзлаштиришига боғлиқдир. Чунки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ) иқтисодиёт реал секторининг шиддатли ривожланаётган элементлари бўлиб бормоқда,

маълум лойиҳаларни татбиқ этиш ва янгиликларни олиб чиқиш билан боғлиқ бўлган етакчи роли инновацион тадбиркорлик, инноватор-субъектларга кўп даражада дахлдордир. Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши шароитида мамлакат учун муҳим вазифа миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлилигини кучайтириш бўлиб, бу кўпинча КБХТ соҳасида инновацион фаолиятнинг ўсиш даражаси ва ҳажми билан белгиланади. Реал инновациялар техника ва технология билан боғлиқ, деган кенг тарқалган фикр мавжуд. Аммо инновация ташқи илмий-техника ишлари, натижасидан уни татбиқ этиш натижасида эҳтиёж, тўлов эҳтиёжи, қиймати унинг юзага келиши билан фарқланади. Айнан тўлов эҳтиёжи каби талабнинг мавжудлиги, Ўзбекистонда тадбиркорликни ривожлантиришнинг кўпгина масалалари ечимига ойдинлик киритади. Тадбиркорлик хўжалик юритиш услуги бўлиб, кўп асрлик ривожланиш эвазига ривожланган давлатлар иқтисодиётида устувор мавқега эга бўлди. Тадбиркор ишлаб чиқариш кўрсаткичлари омилларининг шундай бирлашуви ва қўшилувини таъминлаш учун ўзининг имкониятларидан фойдаланади, у мақсадга эришишда юқори фойда олишни таъминлаб беради. Ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга интилиш инновациялар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунинг учун тадбиркорлик, ресурсларга фойдали маблағ сарфлаш, бозорга маҳсулотларни киритиш, янги маҳсулотлар яратмай туриб, амалга ошириш мумкин эмас. Мустақилликни қўлга киритганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси демократик янгиланиш йўлига ўтди. Шунингдек, иқтисодиётни модернизация қилишнинг заруратини энг асосий сабаблари қаторида минтақавий ва жаҳон бозоридаги ўзгаришлар, эҳтиёжнинг кучайиши ва рақобатнинг ўсиши бўлиб, объектив шароитларда аҳолининг турмуш тарзига муносиб шароитларни яратишни асослаб берди. Демократия ва турли “очик жамият моделлари”ни экспорт қилиш мумкин бўлмаганидек, ташқаридан импорт қилиш ёки давлат қурилишининг универсал лойиҳасини мажбуран қабул қилдириш мумкин эмас. Демократик давлат ривожини асосларини яратиш

ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жамиятнинг асосий соҳаси бўлган иқтисодиётнинг янгиланмаган, ижтимоий муносабатларни эркинлаштиришсиз (иқтисодий, сиёсий, маънавий) идрок этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтишнинг шахсий модели (“Ўзбек модели”)ни татбиқ этиш, шунингдек, модернизация назарияси ва амалиёти олдига янги вазифаларни қўяди, бунда давлат энг асосий ислохотчи бўлиб, ўзига ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий модернизация – саноатлаштиришнинг татбиқи давомида, унинг учун зарур бўлган тадбиркорлик маданиятини ташкил этишда шахсий мулкни, хусусийлаштиришда истеъмолни назорат қилиш, ҳатто бутун бир ижтимоий синф – ўрта синф мулкдорларини шакллантиришдаги ташаббусни ўз қўлига олади. Бутун дунёда кечаётган глобаллашув жараёнлари Ўзбекистон Республикаси ва унинг иқтисодиётини ҳам четлаб ўтмайди. Ҳар қандай объектив жараён сифатида глобаллашув ҳам барча миллат ва давлатларни ўз орбитаси томон жалб қилиб, барча миллат иқтисодиётларини ягона иқтисодий тизимга бирлаштириб, ўз фаолият сарҳадларини кенгайтириб боради. Жаҳон иқтисодиётининг трансформациялаштириш ва меҳнатни халқаро тақсимлаш шароитида, ташқи бозорда рақобатбардошлиликни таъминлаш учун айрим давлатлар консолидациялашга, мунтазам ўз иқтисодиётини ривожлантириш, мавжуд манбалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга мажбур бўлмоқдалар. Бу маънода Ўзбекистон Республикаси истисно эмас. Республиканинг ривожланаётган ва кенгайиб бораётган ички ва ташқи бозори жаҳон иқтисодиётига фаол интеграциялашувдан бошқа чораси йўқ. Ўзбекистоннинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазияти ва жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш йўналишларини эътиборга олган ҳолда, шуни таъкидлаш мумкинки, унинг келгуси ривожланиши ва иқтисодиётининг келажаги мамлакатнинг глобал иқтисодий тизимга интеграциялашуви билан узвий боғлиқдир. Чунки бугунги кунда Ўзбекистон худди бошқа давлатлар каби иқтисодий ўсишнинг мураккаб масалаларини якка ҳолда, яъни қолган

дунё билан маҳсулот айирбошлаш жараёнларида меҳнатни халқаро тақсимлашда кенг иштирокисиз самарали ҳал қила олмайди. Унга ёш суверен давлат сифатида халқаро институт ва ташкилотларда фаол иштирок этиш билан бирга глобал иқтисодий тизимга чуқур интеграциялашиш лозим бўлади. Жаҳон иқтисодий инқирози ушбу интеграциянинг қанчалик чуқурлигини, шу вақтнинг ўзида ривожланиш циклик шароитида юзага келаётган даврий пасайишлардан иқтисодиётни ҳимоялашнинг миллий превентив чораларини амалга ошириш зарурлигини кўрсатди. “Ўзбекистонда қабул қилинган модернизация ва ислоҳ қилиш модели келгусида миллий манфаатларни амалга оширишни” ўз олдига мақсад қилиб кўяр экан, “янгисини яратмай туриб, эскирдан воз кечма” деган нақлга амал қилган ҳолда ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширилишини назарда тутди.

Ўзбекистон нафақат кўп соҳали саноат ва табиий бойликлардан иборат рақобатбардош усутворликларга, балки мавжуд илмий-техник салоҳият ва малакали кадрларга эга бўлган йирик илмий базага эгадир. Бугунги кунда республикада 220 дан зиёд илмий тадқиқот муассасалари, олий таълим муассасалари, тажриба-конструкторлик ташкилотлари, илмий ишлаб чиқариш корхоналари, кичик инновацион марказлар фаолият юритмоқдалар. Ўзбекистоннинг илмий-техник ва инновацион сиёсати мамлакат иқтисодиёти ривожланишига фан ва техника улушининг кенгайтирилишига, моддий ишлаб чиқаришда илғор таркибий ва технологик тубдан ўзгаришни таъминлаш, иқтисодий эркинлик, миллий идрокни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг маънавий ва ҳар томонлама ривожланишига кўмаклашиш, фан ва таълим саноатининг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини тубдан ўзгартиришдаги муҳим стратегик вазифалар қаторида илмий-техника салоҳиятидан самарали фойдаланиш, кўпайтириш ва сақлаб туришни ҳам кўриб чиқиш лозим, чунки давлатнинг XXI асрдаги иқтисодий ўсиши фан-техник тараққиёти ва иқтисодиётнинг барча соҳаларида, асосан, саноатда ишлаб чиқаришнинг интеллектуаллашуви

билан таъминланади. Ўзбекистонда давлат фан-техника сиёсатини амалга оширишда, селектив ривожланиш стратегияларини бирлаштирган ва илғор фан-техника ишланмаларини ўзлаштириш йўли - мақсадли йўл деб тан олинган. Биринчи – мавжуд фан-техника салоҳияти ва унинг давлат фантехника сиёсатига қаратилган фаолиятининг уйғунлашувига асосланган иқтисодиётнинг базавий соҳаларини ривожлантириш учун. Иккинчи – жаҳон даражасидан анча орқада қолаётган республикадаги кам ривожланган, лекин давлатнинг ҳаётий фаолияти учун жуда зарур фан-техника йўналишлари. Ўзбекистон Республикасининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитдаги фан-техника сиёсатининг моҳияти илмий ва технологик ишланмаларга максимал даражада кўмаклашиш бўлиб, республиканинг товарга, маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотга бўлган ички эҳтиёжини тезкор қондириш мақсадида иқтисодиёт соҳаларининг тубдан янгилашишига кўмаклашишдир. Фан-техника ривожланишининг устувор йўналишлари иқтисодий ва ижтимоий соҳанинг, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини тузилмавий қайтадан тузишнинг ривожланиш стратегияси билан боғлиқ ҳолда белгиланади. Республикада мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши вазифаларини, шунингдек, замонавий фан ютуқларини ҳисобга олган ҳолда фан ва технология ривожланишининг етти устувор йўналиши ишлаб чиқилган. *Биринчидан*, демократик давлат ривожланишининг ижтимоий ва иқтисодий, ҳуқуқий асосларини тадқиқ қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш. *Иккинчидан*, жамиятнинг маънавий-маърифий ва тарихий-маданий муаммолари ва жараёнларини ўрганиш, тарихий, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ёш авлодни тарбиялаш. *Учинчидан*, қазилма бойликларни топиш, минерал хомашё ва иккиламчи хомашёни чуқур қайта ишлашда илғор технологияларни яратиш ҳамда изланишнинг юқори самарали услубларини ишлаб чиқиш. *Тўртинчидан*, ер, сув ва биологик соҳалардан оқилана

фойдаланиш ва уларни тўлдириб бориш тизимини такомиллаштириш зарурлиги, биотехнология соҳасида генетик манбалар ва илмий кашфиётлардан оқилона фойдаланиш борасида қишлоқ хўжалиги ва чорва турларини яратишда юқори самарали агротехнологиялар яратиш таъкидланган эди. *Бешинчи* устуворлик – тиббиёт соҳасида илғор технология, замонавий услуб ва воситаларни ишлаб чиқиш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш ва экологик хавфсизликни таъминлаш. *Олтинчи* устуворлик - энергия ва хомашё билан таъминловчи янги авлод машиналари, асбоб-ускуна ва материаллар, техник воситалар ва ахборот технологияларнинг илмга йўғрилган технологияларини ишлаб чиқиш. *Еттинчи* устуворлик – ахборотлаштириш муаммоларини тадқиқ қилиш, ахборот узатиш технологияларини ишлаб чиқиш, ахборотни ҳимоя қилиш ва қайта ишлаш, бошқарув ва лойиҳалаштиришнинг интеллектуал тизимини яратиш. Мамлакат илм-фани ривожланишидаги ушбу йўналишларнинг барча замонавий умуммиллий мақсадлар ва устуворликларига Ўзбекистоннинг илмий анъаналари ва тарихий-маданий малакасининг жаҳон йўналишларини ҳисобга олган ҳолда асосланади. Давлатнинг фан ва техника сиёсати доирасида, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ва ривожланиши устуворликларидан келиб чиқиб, саноат соҳалари, бошқарувнинг минтақавий ташкилотларида шаклланган муаммо ва вазифалар асосида, илмий ва технологик ишланмаларга давлат буюртмаси шаклида расмийлаштирилиб илмий-техникавий дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва улар илмий тадқиқотлар, конструктор-технологик ишланмаларни молиялаштириш учун хизмат қилмоқда. Ўзбекистонда илмий-техникавий ва инновацион фаолиятни амалга ошириш механизми дастурли-мақсадли тамойилга асосланган бўлиб, “фундаментал тадқиқот + амалий тадқиқот + инновацион ишланмалар” занжири бўйича ўзлаштиришнинг юқори даражасини таъминламоқда. Ушбу механизмни амалга оширишда у ёки бу муаммони ҳал қилишга қаратилган танловлар хизмат қилмоқда. Шундай қилиб, фан ва техника ривожланиши устувор йўналишларга мувофиқ, табиат

ва жамият ривожланишининг қонуниятлари ҳақидаги янги билимларни қамраб олишга қаратилган, амалий ишланмаларга назарий база яратиш учун беш йилгача муддатга фундаментал тадқиқотларнинг фан-техника дастурлари шаклланади. Биринчи галда қўлга киритилган натижалардан келгусида фойдаланиш нуқтаи назаридан, билим даражаси ва илмий салоҳият даражасини юксалтирувчи, стратегик аҳамиятга эга бўлган ишлар молиялаштирилади. Амалий тадқиқотларнинг фан-техника дастурлари уч йилга қадар фундаментал тадқиқотлар натижаларига асосланади, у ёки бу соҳадаги юксалишни амалга оширишга кўмаклашувчи техника ва технологиянинг янги турларини яратишга йўналтирилади. Бу дастурлар кейинчалик иқтисодиёт соҳаларида ўзлаштирилиши учун таклифларнинг инновацион пакетини ўзига хос тўлдириш манбаи бўлиб хизмат қилади. Икки йиллик муддатдан ортмаган инновацион фан-техника иш дастурларининг вазифаси, ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлилик ва технологик даражасини юксалтириш, инновацион маҳсулотнинг ички ва ташқи бозорга чиқарилишини таъминлаш, иқтисодиётнинг экспортга йўналтирилган таркибини шакллантиришдан иборатдир. Инновацион ишларнинг дастурларини шакллантиришда фундаментал ва илмий-амалийтехникавий дастурлар доирасида бажарилган лойиҳаларга устуворлик берилади. Барча кўринишдаги фан-техника тараққиёти Ўзбекистон иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим йўналишлардан бирини ўзида ифодалайди. Жадал фан-техника тараққиётининг муҳимлиги айнан шу соҳада республиканинг умумий ва ижтимоий-иқтисодий ўсиш даражаси билан ҳам кучайтирилади, жамиятнинг янги тизими шаклланиши, жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро алоқалар характерининг асосий муҳим муаммоларнинг ечими учун бирламчи ҳаракатлар яратилади. Бугунги кунда Ўзбекистон интеллектуал салоҳиятдан самарали фойдаланиш ва кенгайтирилишига асосланган ривожланишнинг инновацион турига ўтишнинг замонавий модели учун, илмий-технологик, ташкилий ва ижтимоийиқтисодий соҳада мунтазам

янгилашиш ва такомиллашувининг ҳар қандай зарур нусха, вазият ва шарт-шароитларига эгадир. Келгусида мамлакатнинг иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ижтимоий ривожланиши, муаммолар ечимини таъминлаш бўйича давлат фан-техника ва инновацион сиёсатини амалга ошириш ишлари ўзаги республиканинг ташқи бозорда рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи ҳамда республиканинг экспорт имкониятларини кенгайтирувчи маҳсулотлар, хизмат ва товарларга бўлган ички эҳтиёжини таъминлаш мақсадида саноат соҳаларида самарали ўзгаришларга кўмаклашувчи илмий-технологик ишланмаларга максимал ёндашувдир. Республиканинг бозор муносабатларига ўтиши бўйича иқтисодий ислохотларни амалга ошириш шароитларида фан-техника фаолиятини тартиблашда муносиб тамойилларни ишлаб чиқиш зарурати муқаррар бўлади. Бундай тамойиллардан жаҳон тажрибасида машҳур бўлган, пировард илмий-технологик натижаларга йўналтирилган, истиқболли амалий ва ишланма тадқиқотлар танлови, интеллектуал маҳсулот рақобатини рағбатлантириш, давлат маблағларидан мақсадли фойдаланиш ва фантехника, иқтисодий-ҳуқуқий механизмларнинг самарали фаолиятига иштирокчиларнинг жавобгарлигини белгиловчи, илмий ва инновацион фаолият ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш принципи маълум. Бунда давлат алоҳида илмий ташкилот ва босқичли таркибларни эмас, балки аниқ дастур ва лойиҳани молиявий маблағлар ҳамда моддий техник ресурслар ашёлари билан қўллаб-қувватлашни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий - иқтисодий ривожланишининг устуворлигига мувофиқ инновацион ишлар дастури доирасидаги тадбирлар асосан беш асосий йўналиш бўйича амалга оширилмоқда. Маҳсулот ва хизматлар, технологияларнинг алоҳида турлари бўйича республиканинг импортга эҳтиёжи камайиши муаммосининг жуда муҳимлиги, Ўзбекистоннинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш, ишлаб чиқаришга саноат технологияларини татбиқ этишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилаётган инновацион лойиҳаларнинг умумий сонидан 28 фоизи Республикамиз

иқтисодиётининг илмий-техник ва ижтимоий-иқтисодий соҳалари ривожланишидаги муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилган. Барча агросаноат комплексининг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар Ўзбекистон Республикасининг умумий ислоҳотлаштириш умумий тизимидаги муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Тизим яратувчи сиёсатнинг ўзида битмас- туганмас имкониятларга эга бўлган, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан саноатни эса қишлоқ хўжалиги хомашёси билан таъминлайдиган қишлоқ хўжалиги аввалгидек етакчи вазифани эгаллайди. Аҳолининг кўпсонли қисми қишлоқ хўжалигида банд. Бунга кўра, модернизациялаш қишлоқ хўжалик меҳнатини индустрлаш даражасини ошириш, бутун қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳамда у билан боғлиқ соҳаларнинг самарадорлигини ошириш иқтисодий масалаларни ҳал этиш билан бирга, улкан ижтимоий аҳамиятга эгадир. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда, инновацион лойиҳаларнинг 26 % агросаноат комплекси билан бирга унинг қайта ишлаш соҳаси ривожланишининг биринчи навбатдаги илмий-техник муаммоларини ҳал этишга қаратилган. Соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантиришнинг устуворлигини назарда тутган ҳолда, янги юқори самарали дори препаратларини ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, касалликларни даволаш ва ташхис қўйиш технологияси ҳамда воситаларининг замонавий услубларини татбиқ этишда, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, Давлат дастурининг асосий низомига асосланиб фармакология ва соғлиқни сақлаш соҳаси ривожланиши масалаларига катта аҳамият қаратилмоқда. Лойиҳаларнинг умумий сонидан (19%) 11%и давлатимизнинг соғлиқни сақлаш ва фармакология соҳасини ривожлантиришнинг бирламчи муаммоларини ҳал этишга қаратилган. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг илк кунлариданоқ миллий- маданий маънавиятни тиклаш, кўп асрлик маданийтарихий меросга эга бўлган халқ қадриятларининг муҳим тизимини яратиш ва жаҳон халқлари тарихида ўз ўрни ва ролини аниқлаш масаласи

кўтарилди. Таълимни ривожлантириш, маданият, иқтисодий-ҳуқуқий ва маданий- маърифий даражани юксалтириш масалаларига ҳар доим жуда катта ва жиддий аҳамият қаратиб келинмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг маданий ва маърифий, таълим даражасини ошириш масаласини ҳал этишга қаратилган инновацион лойиҳаларнинг 16% амалга оширилганлиги қатъий далил асосида далолат бериб турибди<sup>15</sup>. Давлат инновация сиёсати инновация фаолиятини ривожлантириш ва рағбатлантиришга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми ҳисобланади, иқтисодиётда илмий ишланмалар, тажриба лойиҳа ишлари ёки бошқа фан-техника ютуқлари татбиқ этилаётган инновация фаолияти деганда янги ёки такомиллаштирилган технологик жараён тушунилади. У маҳаллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсиш, аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш, мамлакатнинг муҳофаа, технологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш учун инновация фаолияти устуворлигининг тан олинishi учун шакллантирилади ва амалга оширилади. Бу жараён эса қуйидагилардан иборат: – маҳаллий маҳсулотнинг рақобатбардошлигини таъминловчи инновация фаолияти учун иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шартшароитларни яратиш, фан-техника натижаларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал қилиш;

– фан-техника салоҳиятини ривожлантириш, оқилona жойлаштириш ва самарали фойдаланиш, унинг тузилмасини шакллантириш;

---

<sup>15</sup> Основные показатели развития научно-технического потенциала и инноваций Республики Узбекистан в 2015г. Статистический бюллетень. Госкомстат РУз. Ташкент, 2016 г.

– фан ва техниканинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш, муҳим ижтимоий вазифаларни тадқиқ этиш, моддий ишлаб чиқариш соҳасида илғор тузилмавий ўзгаришларни таъминлашдаги ҳиссасини ҳамда унинг самарадорлик ва рақобатбардошлик хусусиятини ошириш;

– мамлакат мудофааси, шахс ва жамият ҳамда давлат хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳисобланади. Унинг қўйилган мақсадларга эришиш учун давлат инновация сиёсатининг қуйидаги вазифаларини ҳал қилиш зарур:

– давлат инновация сиёсатининг устувор вазифаларини белгилаш ва татбиқ этиш,

– илғор тузилмавий ўзгаришларни иқтисодиётда таъминлаш;

– инновация фаолияти инфратузилмасини яратиш ва ривожлантириш;

– маҳаллий инновация маҳсулотининг халқаро бозордаги мавқеини ушлаб туриш ва ташқи иқтисодий инновация фаолиятини ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

– инновация фаолиятини ривожлантиришда илм-фан, таълим, ишлаб чиқариш ва молия-кредит соҳаларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

– иқтисодиётни халқ хўжалиги ва унинг тузилмавий баланси стратегияси, мароми (темп) ва пропорциясини белгилаб берувчи бош йўналишларда ривожлантиришни барқарорлаштириш учун фан-техника салоҳиятидан самарали фойдаланишни таъминлаш.

Давлат органларининг инновация соҳасидаги асосий функцияларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

– давлат инновация сиёсатининг шаклланиши;

–  
– давлат инновация жараёнларининг асосан инноваторларнинг муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий базасини яратиш;

инновацияларни ва бу соҳадаги рақобатни рағбатлантириш,  
инновационликни таваккал суғурталаш, эскириб қолган маҳсулотни чиқарганлиги учун давлат санкцияларини киритиш;

– инновация соҳасидаги инфратузилмани шакллантиришда иштирок этиш;

– инновацияларнинг ижтимоий ва экологик йўналишларини таъминлаган ҳолда илм-фан, техника ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаш;

– устувор илмий тадқиқотлар ва инновацияларга ресурслар ажратиш;

– давлат тасарруфидаги ташкилотларда инновация жараёнларини институционал таъминлаш;

– инновация ва илм-фан билан шуғулланувчи шахсларнинг ижтимоий мавқеини ошириш;

– инновация соҳаси учун кадрлар тайёрлаш;

– ҳудудларда инновация жараёнини йўлга қўйиш  
инновация

жараёнларининг халқаро аспект (жабҳа)ларини йўлга қўйиш;

– миллий инновацион тадбиркорлик манфаатларини ҳимоя қилиш.

Давлат инновация сиёсатининг асосий тамойиллари:

– маҳаллий илмий салоҳиятга таяниш;

- 
- илмий ижод эркинлиги, илмий соҳани изчил демократлаштириш, илмий сиёсатни шакллантириш ва татбиқ этишда ошкоралик;
- фундаментал илмий тадқиқотларни ривожлантиришни рағбатлантириш; – етакчи маҳаллий илмий мактабларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш;
- илм-фан ва техника соҳасида соғлом рақобат ҳамда тадбиркорлик учун шарт-шароит яратиш, инновация фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш;
- давлат мудофаа қобилияти ҳамда миллий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни ташкил этиш учун шартшароит яратиш;
- илм-фан ва таълим интеграцияси, барча даражадаги юқори малакали илмий кадрлар тайёрлашнинг яхлит тизимини ривожлантириш;
- тадқиқотчиларни, ташкилотлар ва давлатнинг интеллектуал мулки ҳуқуқларини химоя қилиш;
- очик ахборотни тўсиқсиз олиш ва эркин ахборот алмашинуви ҳуқуқини таъминлаш;
- мулкчиликнинг турли шаклдаги илмий тадқиқот ва тажриба лойиҳалаш ташкилотларини ривожлантириш, кичик инновацион тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш;
- илм-фан ютуқларидан кенг фойдаланиш учун иқтисодий шарт-шароитларни шакллантириш, мамлакат иқтисодиёти учун асосий ҳисобланган фан-техника ютуқларини тарғиб қилишга кўмаклашиш;

- 
- илмий иш нуфузини ошириш, олим ва мутахассисларнинг яшаши ҳамда ишлаши учун яхши шароитлар яратиш;
- илм-фаннинг замонавий ютуқлари, уларнинг аҳамиятини тарғиб қилиш.

Инновация сиёсатининг асослари мамлакатдаги реал ижтимоийиқтисодий, ва сиёсий вазиятга мос қонунчилик далолатномалари тўпламини қабул қилишдан бошланади, унда бошқарув субъектлари ва объектлари, унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва масъуллиги белгилаб қўйилади. Инновация фаолиятининг давлат томонидан бошқарилишининг ташкилий механизми барча бевосита ва билвосита манфаатдор томонлар фикрларининг ҳисобга олиниши ва бир вақтнинг ўзида инновацияларни рағбатлантириш бўйича

келишилган ҳолда чора-тадбирлар қабул қилиш учун шарт-шароитлар яратишни таъминлаши керак. Инновация сиёсатининг субъектлари давлат ҳокимияти (марказий ва маҳаллий), давлат корхоналари ва ташкилотлар, мустақил хўжалик юритувчи тузилмалар, ижтимоий ташкилотлар, илмий ходимлар ва инноваторларнинг ўзлари ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган турли мулкчилик шаклидаги субъектларнинг инновацион фаолияти биринчидан, амалиётга янги, такомиллашган ишлаб чиқаришни жорий этиш, иккинчидан, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатларининг барча турларини қисқартириш, учинчидан, экологик жиҳатдан барча меъёрларга тўла жавоб берадиган ҳамда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар нархларини пасайтиришда уларнинг истеъмол ва сифат хусусиятларини доимий равишда ошириб боришни талаб этади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодийни модернизациялаш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг янада кучайтирилиши ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион жараёнлар узлуксизлигини таъминлаш ва кўламини ошириш билан тавсифланади. Бу эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлиги бевосита фан ютуқларига асосланган ишланмалар, ихтиро ҳамда лойиҳалар, илм-фан сиғими юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жорий қилиш билан белгиланади.

Мамлакатимиз корхоналарида инновацион жараёнларни янада ривожлантиришга тааллуқли муаммоларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, инновацион фаолиятни самарадорлиги биринчи навбатда мамлакатда инновацион муҳитни яхшилашга қаратилган қонунлар доирасида ягона ҳуқуқий нормалар тизимини шакллантирадиган институционал асосларни ишлаб чиқиш даражасига боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз инновацион фаолиятни ривожлантиришда “Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожлантириш ташкилоти” (ИХРТ) томонидан ишлаб чиқилган инновацияларни бошқариш бўйича халқаро стандартлар ва услубий

тавсияларни чуқур ўрганиш зарур. Буларга 1995 йилда ИХРТ томонидан қабул қилинган “Илмий ва илмий-техникавий соҳада банд меҳнат ресурсларини аниқлаш” (Manual On The Measurement Of Human Resources Devoted To S&T - Canberra Manual), 1997 йилда қабул қилинган “Миллий инновация тизими” (National Innovation System), 2002 йилдаги “Илмий тадқиқот ва ишланмалар бўйича ҳисобот стандартлари” (Proposed Standard Practice for Surveys of Research and Experimental Development), “Миллий инновация тизимини ўзгариши” (Dynamising National Innovation Systems), “Фраскати қўлланмаси” (The Frascati Manual) каби халқаро стандартлар ва услубий тавсияларни таъкидлашимиз мумкин.<sup>16</sup>

Иқтисодийetni модернизациялаш шароитида миллий иқтисодийетнинг инновацион салоҳияти биринчидан, инновацион фаолиятни тартибга солувчи ҳуқуқий механизмларга боғлиқ бўлса, иккинчидан, инновацион лойиҳалар, ғоялар ва ихтироларни молиялаш тизимини ривожланганлик жиҳатларига боғлиқ бўлади. Бу инновацион жараёнларнинг институционал асосларини ташкил этади.

Шу нуқтаи назардан иқтисодийetni глобаллашуви ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш шароитида давлатнинг устувор йўналишларидан бири мамлакатнинг инновацион салоҳиятини ошириш масалалари ҳисобланади. Натижада давлат томонидан миллий иқтисодийetni модернизациялаш, техника ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодийетнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, диверсификация қилиш масалаларига устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 436-сонли,

---

<sup>16</sup> World Economic Forum (WEF). 2012. *The Global Competitiveness Report 2012-2013*. Geneva: World Economic Forum.

2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 916-сонли Қарорлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 ноябрдаги “Илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 241-сонли, 2008 йил 15 октябрдаги “Технологиялар трансфери Агентлиги” Давлат унитар корхонаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 228-сонли Қарорлари муҳим аҳамият касб этади.

Миллий иқтисодиётимиз корхоналарининг ривожланиши натижасида кейинги йилларда экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулотлар салмоғининг барқарор ўсиш тенденцияси ва хом ашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, 2011 йилда саноат маҳсулотлари умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. 2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми олдинги йилга нисбатан 15,4 фоизга ошиб, қиймат кўринишда 15 млрд. АҚШ долларидан кўпроқни ташкил этди. Бунга сабаб иқтисодиётни етакчи тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва мазкур соҳаларни диверсификация қилиш ҳисобланади.

Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўяётганлиги боис ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳалари бор куч-имконияти ва ресурсларидан самарали фойдаланишга эътибор қаратмоқда. Бунинг учун иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини янада ривожлантириш, янги ўзак тармоқларни барпо этиш, таркибий ўзгаришлар, самарали ва эркин иқтисодиётни шакллантириш зарур. Шу билан бирга, миллий иқтисодиётни рақобатдошлигини ошириш учун инновацион

маҳсулотлар ҳисобига корхона ва тармоқлар фаолият соҳаларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Бизнинг фикримизча, юқорида таъкидланган мақсадга эришишда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини модернизациялаш ҳамда диверсификациялаш, маҳсулот ва хизмат турларини янгилаш, кўпайтириш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Бугунги жаҳон иқтисодиётининг тобора ўзаро интеграциялашуви саноат корхоналарининг рақобат муҳитига мослашувчан жиҳатларини кенгрок ўрганиш, ҳар томонлама ривожланаётган бозор муносабатлари талабларига мос ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва самарали бошқаришни заруратга айлантирмоқда. Таркибий ўзгаришлар ва иқтисодиётни либераллаштириш шароитида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари миллий иқтисодиётимизнинг бир бўғини сифатида республика иқтисодиётига, халқимизнинг фаровон турмуш кечиришига катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Хориж мамлакатларида рақобатдош ва арзон ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни мамлакатимизга кириб келиши мутахассис ва етакчи олимлардан республикаимизда мавжуд бўлган саноат корхоналарини ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига доир илмий асосланган қирраларини очиб беришни долзарб масалага айлантирмоқда. Шуларни ҳисобга олиб мазкур соҳадаги илмий изланишларга эътибор қаратган ҳолда, инновацион жараёнларни ривожланишига таъсир этувчи омилларни қуйидаги жадвалда келтирилгандек туркумлашимиз мумкин. Чунки мазкур омилларни ҳар томонлама тадқиқ этиш корхоналарида рақобатдош янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган инновацион жараёнларни бошқаришнинг самарали йўллари илмий асослаш ҳисобига иш юритиш фаолиятига таъсир кўрсатиши табиийдир.(3.1-жадвал)

**Инновацион жараёнларни ривожланишига таъсир этувчи омиллар**

<b>Омиллар</b>	<b>Инновацион фаолиятни ривожлантирувчи омиллар</b>	<b>Инновацион фаолиятга тўсқинликқилувчи омиллар</b>
<b>Сиёсий</b>	Давлатнинг монополияга қарши сиёсати, эркин иқтисодий шаклланиши,	Тадбиркорлик фаолиятидаги бюрократик тўсиқлар, хусусий мулкчиликни давлат томонидан
	миллий инновацион тизимни ривожланиши	кафолатланиш тизимини тўла шаклланмаганлиги, сиёсий бекарорлик
<b>Ҳуқуқий</b>	Интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш тизими, муаллифлик ҳуқуқларини ҳимоя қилинганлик даражаси	Патент ва лицензия бериш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларидаги камчиликлар
<b>Иқтисодий</b>	Инновацион маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларни рағбатлантириш	Инновацион бозорларда рақобатнинг кескинлашуви, инновацион фаолиятни амалга оширишда иқтисодий таваккалчилик ва хавфнинг юқорилиги
<b>Технологик</b>	Замонавий инновацион технологияларни қўллаш бўйича илмий-техник ютуқларга эришиш, юқори технологияни жорий қилиш	Моддий, илмий-техник ва замонавий лаборатория жиҳозларини етишмаслиги, корхоналарнинг асосий воситаларини маънавий эскирганлиги
<b>Молиявий</b>	Фундаментал, амалий тадқиқотлар, ишланмалар ёки экспериментал ишларни молиялаштириш тизимининг самараси	Йирик инвестицион лойиҳаларни амалга оширилишининг кечикиши, инновацион инфратузилмани шакллантириш жараёнини сустлиги

<sup>17</sup> “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. июль-август 2016 йил

<b>Ташкилий</b>	Мамлакатнинг илмий ва илмий-техник салоҳиятини ошириш чора-тадбирларини белгилаш ва амалга ошириш	Фан, техника, иқтисодиёт, бизнес ва бошқарувни бирлаштирувчи инновацион иқтисодиётни шакллантириш жараёнларини суствлиги, илмталаб тармоқлар учун мутахассисларни тезкор тайёрлашни таъминловчи янги дастурларни етишмаслиги
<b>Бошқарув</b>	Инновацион, мотивацион, иқтисодий, ташкилий маъмурий қисмларни ўз ичига олган миллий, ҳудудий ҳамда иқтисодиётнинг устувор соҳаларини инновацион ривожлантириш бўйича стратегиялар ишлаб чиқиш	Инновацион менежмент иқтисослиги бўйича кадрларни тайёрлаш ва илм-фан соҳасида эришилган ютуқларни амалиётга татбиқ этишдаги муаммолар
<b>Ижтимоий</b>	Таълим муассасаси моддий техникавий базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш талаблари ва жамиятнинг ривожланиш даражасига жавоб берувчи, сифатли кадрларни тайёрлаш	Жамиятда илғор ғояларни шакллантириш ҳамда фан ва техниканинг ривожланишини замон талабларига уйғунлаштирадиган воситалар ҳамда глобализация жараёнларига мослаштиришдаги муаммолар

Инновацион фаолиятга тўсқинлик қилувчи ва ривожланишига шароит яратувчи омилларни ўрганиш мамлакатимизда инновацион жараёнларни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан инновацион сиёсатни олиб бориш бўйича белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан самарали стратегик мақсадларни белгилаб олишга ёрдам беради.

Мамлакатимизда бизнес субъектларининг инновацион фаолияти ривожланиш даражасини юксалтириш учун иқтисодиёт тармоқларини инновацион ривожлантириш, модернизациялаш, техник ва технологик янгиланишнинг стратегик мақсадларига мос равишда яқин йиллар ичида зарур шарт-шароитларни яратиш лозим.

Ҳозирда ривожланган мамлакатлар саноат корхоналарида инновацион фаолликни оширишда инвестицияларни стратегик бошқаришга алоҳида эътибор қаратилган. Натижада муайян тармоқларда саноат ишлаб чиқаришининг самарали амалга оширилиши ҳисобига инновацион фаолликни янада кучайиши кузатилмоқда. Чунки саноат корхоналарида инновацион маҳсулотлар яратиш ва хизматлар кўрсатиш кўламини кенгайтиши ўз навбатида ишлаб чиқариш жараёнининг янги кўринишларини жорий қилиш, иш ўринларни ташкил этиш ҳамда ташқи алоқаларнинг кенгайтишига шароит яратади<sup>3</sup>. Буни саноати ўсиб бораётган хориж мамлакатлари тажрибасида кўришимиз мумкин.

Жумладан, ялпи ички маҳсулотда (ЯИМ) саноат улуши юқори бўлган мамлакатлар сифатида Қатар, Баҳрейн, Хитой ва Индонезия давлатларини таъкидлашимиз мумкин. Мисол учун, 2014 йилда ЯИМда саноат улуши Қатарда 74,9 фоиз, Баҳрейнда 66,2 фоиз, Хитойда 48,6 фоиз ва Индонезияда 48,1 фоизни ташкил этган. Ўзбекистонда эса саноат маҳсулотининг ЯИМдаги улуши 2016 йилда 26,1 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 6,6 фоизга ортган.

Ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 2014 йилда ЯИМга нисбатан Хитойда 40,5 фоиз, Ҳиндистонда 39,0 фоиз, Руминияда 33,3 фоиз, Қатарда 32,1 фоиз ва Беларусда 31,9 фоизни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 23,9 фоизга тенг бўлди. Мамлакатимизда 2016 йилда ўзлаштирилган инвестициялар миқдори 10,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этиб, 2010 йилга нисбатан 11,2 фоизга ортди. Миллий иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилинган хорижий инвестицияларнинг ҳажми 2,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бунинг натижасида фармацевтика ва мебелсозликнинг саноатдаги улуши 18,0 фоиз, озиқ-овқат саноати 13,1 фоиз, машинасозлик ва автомобилсозлик саноати 12,2 фоиз, қурилиш материаллари

саноати 11,9 фоиз ҳамда кимё ва нефть-кимё саноатининг улуши 9,4 фоизни ташкил этди.

Юқорида келтирилган таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики, иқтисодий тизимга жалб этилган инвестициялар ҳисобига жами ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар умумий ҳажмида инновацион товар, ишлар ва хизматларнинг улуши 2008 йилда 2,85 фоиз, 2013 йилда 3,83 фоиз ва 2015 йилда 4,82 фоизни ташкил этган. Бу кўрсаткични янада яхшилаш учун саноат корхоналарида инновацион фаолликни ошириш, инновацион лойиҳаларни молиялаш тизимини шакллантириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Фикримизча, миллий иқтисодий корхоналарини техник-иқтисодий модернизациялаш, саноатнинг устувор тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, ташқи ва ички бозорлардаги талабларга жавоб берадиган рақобатдош товарларни кўпайтириш ва янгиликларини яратиш инновацион фаолият тизимини шакллантириш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади. Бунинг учун иқтисодийда инновацион жараёнларни татбиқ этадиган устувор йўналишларини аниқ белгилаш, илмий асосланган инновация қарорларини қабул қилиш учун ички ва ташқи молиялаш манбаларини самарали жалб қилиш тизимини ишлаб чиқиш бевосита иқтисодийнинг келажагини белгилайди. Бу жараёнда инвестициялардан самарали фойдаланиш энг қулай воситалардан бири саналади.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодийга инвестицияларни жалб этишда саноатни ривожлантиришнинг асосий омилларини эътиборга олиш корхоналарда инновацион муҳитни яхшилаш билан бирга, истиқболда технологик жиҳатдан янги, сезиларли даражада такомиллашган ишлаб чиқариш, шунингдек, ички ва ташқи бозорлар учун инновацион маҳсулотлар етказиб беришга ижобий таъсир этади.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Замонавий иқтисодий ривожланишнинг муҳим омили бўлиб инновацион ривожланиш ҳисобланади. Инновация – бу фан ютуқларидан ва илғор тажрибадан фойдаланишга асосланган техника, технология бошқарув соҳасида янгилик киритиш, ва шунингдек бозорда тан олинган моддийлашган энг янги илмий ғоядир. Бу тушунчага янада кенгроқ ёндашиш ҳам мумкин: бу ғоялар, изланишлар, ишланмалар трансформацияси натижаси, ижтимоий ишончга кишиларнинг амалий фаолиятида қўллаш орқали интилувчи янги ёки такомиллаштирилган илмий-техник ёки ижтимоий-иқтисодий ечим. Менежментда инновациялар харидорлар томонидан янги ёки янада такомиллашган деб қабул қилинувчи нафларни таклиф этувчи товарлар ёки хизматларни яратиш ва тақдим этиш деб таърифланади. Бироқ, инновацияларга тегишли асосий хусусиятларга янгилик; бозор талабини қондириш; тижорат орқали сотиш киради. Инновацион фаолият тараққиёти бир текис ривожланувчи жараён дир. Доим мазкур соҳада асосий қўшимча ўсишни таъминлаган етакчи тармоқлар, тармоқости соҳалар ва корхоналар мавжуд. Мамлакатда компанияларнинг инновацион фаоллик даражаси маҳсулотлар, хизматлар, технологик жараёнларнинг янги ёки такомиллаштирилган турларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш билан шуғулланувчи корхоналарнинг умумий корхоналар сонига нисбати сифатида аниқланади. Инновацион инфратузилма фундаментал ва амалий тадқиқотларни, лойиҳавий, тажриба-конструкторлик ва технологик ишланмаларни, лойиҳаларни бевосита амалга оширувчи ёки уларга хизмат

кўрсатувчи, шунингдек илмий-техник фаолиятга молиявий, маркетинг, ахборот-маслаҳат, ҳуқуқий ва бошқа хизматларни кўрсатувчи, ўз функциялари ва мулкчилик шакллари бўйича турли кўринишдаги институционал тузилмалар тармоғини ифодалайди. Ривожланган ва айрим ривожланаётган мамлакатларда илмий-техник тараққиётнинг жадаллашиши ва тарқалиши миллий, минтақавий ва тармоқ даражасида инновацион тизимларнинг шаклланишига ва амал қилишига кўмаклашди. Инновацион тизим таркибига қуйидагилар киради:

- инновацион жараённинг бевосита иштирокчилари;
- инновацион фаолият билан шуғулланувчи ёки уни қўллаб-қувватловчи институтлар;
- давлат бошқарув органлари;
- инновацион фаолият олиб борилаётган муҳит;
- ушбу жараён иштирокчилари ўртасидаги ўзаро алоқалар;
- ахборот тарқатиш, технологиялар трансферти ва инновацияларни ёйиш каналлари;
- инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган барча ресурслар йиғиндиси сифатида инновацион салоҳият.

Ҳозирги замон иқтисодиётида рақобатдошлик даражасини ошириш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилади. Инновацион технологияларни, замонавий илмий ютуқларни саноат тармоқларига жадал жорий қилиш орқали жаҳон хўжалиги тизимида миллий иқтисодиётнинг ихтисослашувини кенгайтириш ва саноат ишлаб чиқариши таркибини диверсификация қилиш имконини берадиган янги рақобат устунликларини яратиш зарур. Халқаро рақобатга яхши бардош берувчи маҳсулотнинг кўп қисми нисбатан замонавий техника ва технологиядан фойдаланувчи, янги бошқарув ва ташкилий ечимларни жорий қилувчи ташкилотларда ишлаб чиқарилади. Айрим ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиётли мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, инновацион жараённи хорижий инвестициялар,

лекин хар қандай эмас, балки узок муддатли ҳамда янги технологиялар ва замонавий менежмент билан бирга кириб келувчи инвестициялар ёрдамида жадаллаштириш мумкин. Ушбу мезонларга фақат бевосита хорижий инвестициялар жавоб беради. Иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари инновацион фаоллигини ошириш ва рағбатлантиришнинг ташкилийиқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга кенг жорий этиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир. Реал секторда инновацион фаолият юрита оладиган кадрлар тайёрлаш, тармоқларда илғор технологияларга асосланган чуқур технологик модернизациялаш ва инновацион ривожлантиришни амалга ошириш, янги технологияларни яратиш имконини берувчи тизим билан характерланади. Кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси кўрсатишича, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин. Мамлакатни модернизациялаш, саноат тармоқлар рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва иқтисодий ўсишини таъминлашда инновацион фаолиятни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади. Хорижий инвестициялар иштирокидаги реал сектор корхоналарининг инновацион ривожланиш йўналиши турли хил омилларга асосланган ўзаро боғлиқ жараёнларни ўзида намоён этади. Ушбу жараёнлар хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий самарадорлигига турлича таъсир кўрсатади. Реал сектор тармоқларида инновацион ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи омилларга қарши курашиш ва инновацион фаолликни ошириш мақсадида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, техника ва

технологияларни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

– янги маҳсулот турларини ишлаб чиқариш учун тўлиқ янги технологик жараёнларни яратиш ва қўллаш орқали маҳсулот сифатини ошириш, хомашёдан фойдаланишни яхшилаш ва хом-ашё базасини кенгайтириш;

– ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, техник ва иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш мақсадида мавжуд тизимни такомиллаштириш;

– ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаш даражасини ошириш, технологик жараёнларни бошқаришда автоматлашган тизимни яратиш;

– тармоқда ихтисослашув ва кооперация алоқаларини янги усулларидан кенг фойдаланиш.

Иқтисодиётда фан ва техникага ҳар қандай мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ҳал қилувчи омили сифатида қаралади. Фан ва техникани ишлаб чиқаришга кенг тадбиқ этилиши, инсоннинг интеллектуал салоҳиятини ривожланишига, турмуш тарзининг юксалишига, саноатнинг кенг ривожланишига имконият яратди ва жамиятнинг социал структурасига ижобий таъсир кўрсатади. Ривожланишнинг инновацион типи (ингл. Innovation model of development, нем. Innovationsentwicklung) – ижтимоий ишлаб чиқаришда янги илғор технологияларга урғу бериш, юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш, микро ва макроиқтисодий жараёнларда илғор ташкилий ва бошқарув қарорларини қабул қилиш - технопарк , техно полис, кам энергия талаб технологиялардан фойдаланиш сиёсати, ишлаб чиқариш фаолиятини интеллектуаллаштириш, иқтисодиётни софтлаштириш ва сервислаштириш билан характерланади. Инновацион иқтисодиётда асосий ўрин юқори ишлаб чиқариш, илм талаб технологияларига ва инсон фаолиятининг турли соҳаларини инновацион

ташкил этишга, иқтисодиётда инновацион тизимни шакллантиришга, компьютер технологиялари ва телекоммуникация тизимларига қаратилади. Жаҳон хўжалиги ривожланишининг замонавий босқичида мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги ўрни уларнинг тараққиётнинг инновацион жиҳатларини яратиш ва ишлаб чиқаришга татбиқ этиш, илмий-техник тараққиёт ютуқларидан амалиётда фойдаланиш қобилияти билан аниқланади. Муваффақиятли инновацион ривожланишга таъсир қилувчи асосий омиллар куйидагилардан иборат:

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига юқори ҳаражатлар;
- инновацион инфратузилманинг мавжудлиги;
- тадқиқот марказлари ва бизнес ўртасидаги алоқа;
- давлатнинг рағбатлантирувчи роли;
- илғор ахборот ва телекоммуникацион технологиялардан фойдаланиш; - ижодий турдаги юқори малакали ресурсларнинг мавжудлиги.

Иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини шакллантириш инновацион фаолликни ривожлантиришни, энг аввало ҳозирги шароитларда тез ўзгараётган бозор конъюнктурасини ҳисобга олган бозорга машиналарнинг техник-технологик, базавий тизимларини, янги турдаги маҳсулотларни тизимли йўналтиришни талаб қилади. Инновацион фаоллик барча бошқарув даражаларида ва айниқса микродаражада ишлаб чиқиладиган тегишли инновацион сиёсат ва стратегияни тақозо этади. Инновацион маҳсулотни, патентларни, интеллектуал мулк объектларига эгалик ҳуқуқларини сотишдан, шунингдек ИТТКИ ва инновацион технологияларга тўғри ва портфел сармоялардан олинadиган фойдадан ажратмалар кўринишида инновацион-инвестицион ресурсларни олиш учун керакли шартшароитларни яратиш муҳим. Шу сабабдан тақрор ишлаб чиқаришнинг инновацион-инвестицион жараёнлари билан боғлиқ ўзаро молиявий, кредит ва бюджет

муносабатларининг бутун тизимида меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш ва мустаҳкамлаш зарур. Замонавий шароитларда корхоналарни иқтисодий ривожлантиришнинг янги моделини шакллантириш амалга оширилмоқдаки, унинг энг муҳим тавсифларидан бири инновацион жараёнларни фаоллаштириш ҳисобланади. Шунга боғлиқ равишда Ўзбекистонда миллий инновацион тизим (МИТ)ни шакллантириш нафақат илмий-техник соҳанинг, балки миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишнинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Давлат томонидан тартибга солиш тизимининг унсури сифатида иқтисодиётни инновацион ривожлантириш дастури қуйидагиларга эга бўлиши керак:

- иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг аниқ ифодаланган мақсадлари;

- шакллантирилган мақсадларга эришишни таъминловчи функцияларни бажарувчи бошқарув органлари;

- бошқарув функцияларини амалга ошириш учун етарли бўлган тартибга солиш объектининг ахборот кўринишини шакллантирувчи тизим;

- тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш қуроллари, улар ёрдамида давлат бошқарув органлари корхоналарга ва муҳитга ўз функциялари доирасида таъсир кўрсатадилар. Мавжуд илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланиш фақат изчил ва узлуксиз амалга оширилаётган илмий-техник сиёсат ёрдамида бажарилиши мумкин.

Мазкур сиёсат республиканинг реал ижтимоий-иқтисодий шартшароитларига мос келиши ва уни ривожлантиришнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этишга қаратилган бўлиши керак. Ишлаб чиқаришнинг жадаллаштирилган модернизацияси, корхоналарнинг техник ва технологик файта қуроллантириш асосида замонавий қувватларни яратиш бугунги кунда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этишга имкон беради. Инновацион-технологик ривожланиш катта молиявий

маблағларни ва маълум вақтни талаб қилади. Бу жиҳатдан устуворликлар иқтисодиётнинг халқаро савдода анъанавий устунликларга эга тармоқларини жадал ривожлантиришга берилади. Бу қишлоқ хўжалиги ва минерал хомашёни ишлаб чиқариш ва чуқур қайта ишлов бериш бўйича меҳнат ва ресурсталаб тармоқлардир. Инновацион ривожланишнинг амалга оширилиши ҳар бир алоҳида тармоққа нисбатан мақсадга йўналтирилган саноат сиёсатини назарда тутлади. Илмий-техник салоҳиятнинг самарадорлиги муаммосини ҳал этишда юқорисамарали илмий-техник маҳсулотни ишлаб чиқишнинг ҳар бир бўғинида – ғоялар, тажрибавий намуна туғилишидан бошлаб то уларни ишлаб чиқаришга жорий этишгача ва маълум бир иқтисодий самара олишгача бўлган соҳадаги ишларни фаоллаштиришга куч-қувват ва маблағларни тўплаш алоҳида аҳамиятга эга. Илмий-техник соҳада хорижий иштирокнинг самарали шакли бўлиб қўшма инновацион тузилмаларни тузиш ҳисобланади. Айни вақтда тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш уларни маълум даражада чеклаш билан бирга олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Масалан, ишлаб чиқариш инфраструктурасини (энергия тармоғи, қувурўтказгичлар, телекоммуникациялар, йўлдош ва махсус алоқалар ва х.к.) ривожлантиришга қаратилган илмий-техник ва тажриба конструкторлик тузилмаларда ва ишланмаларда хорижий шерикларнинг иштирок этишини чеклаш зарур. Ушбу соҳаларда хорижий иштирокнинг бошқа шаклларида, масалан хорижий кредитлар ва қарзлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бизнинг фикримизча, инновацион сиёсатнинг инновацион йўналтирилганлигини кучайтириш ва уни фаоллаштириш қатор кечиктириб бўлмайдиган қуйидаги вазифаларни кўзда тутлади:

- ихтирочилик ва новаторликни ҳар томонлама иқтисодий қўллаб-қувватлаган ҳолда илмий-техник дастурларни амалга оширишнинг инновацион-мотивацион механизмларини такомиллаштириш;

- “фан-ишлаб чиқариш” замонавий тизимини шакллантириш, бунда унинг алоҳида бўлинмаларини (тадқиқот, конструкторлаш, ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришга жорий этиш ва ўзлаштириш) сармоялаш таркибини жиддий яхшилаш кўзда тутилади;
- фундаментал тадқиқотларни ривожлантиришга йўналтирилаётган инвестициялар улушини кўпайтириш.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда хорижий инвестициялар иштирокидаги sanoat корхоналари инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш, мамлакат табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш, sanoat корхоналарининг экспорт салоҳиятини ва мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини ошириш, тармоқнинг фаолиятини барқарор ривожлантириш пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш ва мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсишига имкон яратади.е

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 2000 й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 йил 30 апрел. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, Адолат, 2004 й.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Хорижий инвесторлар ҳуқуқлари ҳимояси кафолатлари ва чоралари тўғрисида”ги Қонуни. 1998 й.

5. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон. 70-модда.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари**

6. Ўз.Рес. Вазирлар Маҳкамасининг “Инвестиция лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун лойиҳалар ташаббускорлари бўлган ташкилотларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 15.05.2017й., 20-сон
7. Ўз.Рес. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 ноябрдаги “Илмий, илмий-тадқиқот муассасалари ва ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 241-сонли Қарори.

## **III. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари**

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори 16.07.2008
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори “Халқ сўзи”, 2017й., 104(6798)-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ1442-сонли “2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш устуворликлари тўғрисида”ги Қарори
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги “Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш ва

бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 436сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 10.04.2012.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги «2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори.

#### **IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари.**

14. Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” // “Халқ сўзи”, 2017 йил 16 январь.
15. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. // Халқ сўзи. 19.01.2013.
16. Каримов И.А. “2012-йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади.” // “Халқ сўзи” газетаси, 20 январ 2012 йил.
17. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” //Халқ сўзи, 2011 йил 22 январь.
18. Каримов И.А. “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.” // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

19. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». // Т.:Узбекистон, 2009.
20. Каримов И.А. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни давом эттириш – давр талаби». // «Халқ сўзи», 2009 йил 14 феврал. **V. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар.**
21. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш ташкилоти “Миллий инновация тизими” (National Innovation System) 1997йил.
22. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш ташкилоти “Илмий тадқиқот ва ишланмалар бўйича ҳисобот стандартлари” (Proposed Standard Practice for Surveys of Research and Experimental Development) 2002йил.
23. Иқтисодий Ҳамкорлик ва Ривожланиш ташкилоти “Миллий инновация тизимини ўзгариши” (Dynamising National Innovation Systems), “Фраскати қўлланмаси” (The Frascati Manual), “Осло қўлланмаси” (Oslo manual) 2003 йилги таҳрири.
24. Berghall Elina, Kiander Jaakko. “The Finnish Model of STI Policy: Experiences and Guidelines”, KNOGG Thematic Network. WP4 Country Report – Finland. Government Institute for Economic Research, Helsinki 2003. P. 23.
25. Гун Цзяньвэнь - Построение региональной инновационной системы и углубляющееся реформирование. Экономические и социальные перемены: факты, тенденции, прогноз - 2013 Стр.142-148.
26. World Economic Forum (WEF). 2012. The Global Competitiveness Report 2012-2013. Geneva: World Economic Forum.
27. Schaaper, M. 2009. Measuring China’s innovation system: National specificities and international comparisons. OECD Science, Technology and Industry Working Papers, OECD Publishing.

28. Kroll, H. 2011. Exploring the validity of patent applications as an indicator of Chinese competitiveness and market structure. *World Patent Information* 33: 23-33.
29. The Indian Venture Capital Association, IVCA
30. Strategy&2015 Global Innovation 1000 survey data and analysis.
31. Шумпетер Й.А. Теория экономического развития. М.: Прогресс, 1983. Стр.278-285.
32. Артемьев И.Е. Рынки технологии в мировом хозяйстве. - М.: Наука, 2009.
33. Коротаев А.В. Новые технологии и сценарии будущего, или Сингулярность уже рядом? - М.: Издательство ЛКИ/URSS, 2009.
34. Мировая экономика: прогноз до 2020 года /под ред. акад. А.А. Дынкина – М.: Магистр, 2008.
35. Меньшиков С.М. «Кристофер Фримен: Длинные волны в экономике». М., ЛЕНАНД, 2014 г. 208-214 стр.
36. Назарова Г.Ф., Салихова Н.М. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, “Иқтисодиёт”, 2011. - 320 б.
37. Назарова Г ва бошқалар. Халқаро менежмент. Дарслик. Т.: ТДИУ, 2011.
38. Чепель С.В. Роль институционального фактора в обеспечении условий перехода к инновационной модели экономического развития. //Стратегии модернизации и обеспечения долгосрочного устойчивого экономического роста. – Т.: SMI - ASIA, 2011.
39. Ўзбекистон: жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш /ЎЗР ФА Иқтисодиёт институти; А.Ф.Расулевнинг таҳрири остида, - Т.:KONSAUDITINFORM-NASHR, 2011.

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Т.: Иқтисодиёт. – 2011.
41. Маҳмудов Н.М. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2010 й.
42. Алимов Р., Расулев А., Қодиров А. ва бошқ. Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш муаммолари: назария ва амалиёт.– Т.:Konsauditinform-Nashr. 2006 й. 91 б.
43. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. –Ташкент: BaktriaPress, 2012 г. С. 8.
44. Кузык Б.Н., Яковец Ю.В. Россия- 2050. Стратегия инновационного прорыва. М. «Экономика». 2004 г.
45. Ахмедова Э.Р., Мирзаева М.Л. Некоторые аспекты инновационного развития машиностроительного комплекса Узбекистана. «Миллий иқтисодиётнинг инновацион ривожланишининг институционал императивлари» Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами. I-бўлим. Т.: ЎзФА Иқтисодиёт институти, 2012.

#### **VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар**

46. Основные показатели развития научно-технического потенциала и инноваций Республики Узбекистан в 2015г. Статистический бюллетень. Госкомстат РУз. Ташкент, 2016 г.
47. Основные тенденции и показатели экономического и социального развития Республики Узбекистан за годы независимости (1991-2010 гг.) и прогноз на 2011-2015 гг. Статистический сборник. – Т.: «Узбекистан». 2011.

48. Ғойибназаров Б., Отажонов Ш. Ўзбекистонда инновацион иқтисодиётни шакллантиришда илғор илм-фан ютуқлари ва инновацияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш истиқболлари.

//Иқтисодиёт ва таълим. 2013, №5.

## **VII. Интернет сайтлари**

49. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

50. [www.mfer.uz](http://www.mfer.uz)

51. [www.uza.uz](http://www.uza.uz)

52. [www.review.uz](http://www.review.uz)

53. [www.cer.uz](http://www.cer.uz)

54. [www.businesspress.ru](http://www.businesspress.ru)

55. [www.mfa.uz](http://www.mfa.uz)

56. <http://www.12.uz/ru/news>

57. <http://nav.uz/> 60.<http://uzavtosanoat.u>

58. <http://www.indiavca.org/>

59. [www.strategyand.pwc.com](http://www.strategyand.pwc.com).